Умуман олганда, бу урф-одатлар жуда қадимий бўлиб, у инсониятнинг уруғ-жамоа давридаги тарихига хос хусусият ҳисобланади. Инсоният тафаккурининг илк босқичига хос бўлган бу турдаги маросимлар ва демонологик қарашлар туркманлардан бошқа туркий халқларда ҳам учрайди. Масалан, Сайрам ўзбеклари рухларни умумий ном билан инс-жинс деб атайдилар (Тайжанов, Исмаилов, 1986. С. 118).

Водийда яшовчи кўплаб ўзбек шомонлари касаллик тўсатдан хуруж қилганда укалаш орқали танани қиздириб, беморни терлашга мажбур қилганлар. Мавлуда бахши бош оғриғи, корин оғриғи, бел оғриғи каби дардга йўлиққанларни даволаса, Мақсуда бахши турли тошмалар чиққан одамларни, руҳий хасталарни даволайди. Соҳатали бахши эса эркаклардаги бепуштлиқ касалини даволаш билан шуғулланади. Бахшилар олдига келган беморнинг қайси аъзоси оғриётганлиги касал келиши билан унинг ўзининг ҳам ўша жойи оғришидан билиб олар экан (Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Янгиқошлоқ қишлоғи. 2009 йил).

Наманган вилояти Норин тумани Ҳаққулобод шаҳрида яшовчи Илҳомжон бахши узоқ ётган касалларни боқиб даволайди. Бахшининг боқиб даволаш усули жуда қизиқ. Бахши бемор кишини қалин кийинтириб ёки пўстакка ўраб, камчи билан то ўрнидан тургунча савалайди. Шомон савалаш давомида қандайдир сўзларни, дуоларни сирли оҳангда қўшиқ қилиб айтиб туради. Касалнинг атрофидаги одамлар ҳам бу сўзларни чуввос солиб такрорлайдилар. Бахши беморни ўз атрофидаги одамлар билан узоқ вақт мобайнида рақс тушишга мажбурлайди. Шу тариқа хастанинг жисмига ўрнашган инс-жинс бартараф этилади. Бемор шунга ишонгани учунми ёки чиндан ҳам ёвуз кучлардан халос бўлгани учунми, ҳарқалай унинг аҳволи яхшиланади (Дала ёзувлари. Наманган вилояти Норин тумани Ҳаққулобод шаҳри. 2010 йил). Бундай тасаввурлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари аҳолиси орасида, жумладан, Қашқадарё қўнғиротларида ҳам учрайди (Ҳамид Қўнғирот, 2007. Б. 38–40).

Фол очиш жараёнида даволаш усули билан бирга беморга қандай инс-жинслар, парилар зиён етказганлиги ва буни бартараф этиш учун қандай қурбонлик қилиш лозимлиги аён бўлган. Қурбонлик сифатида қўй-қўзи, эчки, товук сингари жониворлар сўйилган. Қурбонликдан мақсад парилар, яъни ҳомий рухларни рози қилиш ва бемор вужудига кириб олган ёвуз рухларни ҳайдашдир. Баъзи халқларда ҳақиқий овқатлар рухларга бағишлаб турли бут, санамлар олдига қўйилади ёки



улар оғзига суртилади. Умуман олганда, қурбонлик қилиш диннинг дастлабки кўринишларидан тортиб то жаҳон динларигача хос бўлган маросимдир. Масалан, шумерликлар хўкиз, сигир, кўй каби ҳайвонлар билан бирга баъзан қушларни ҳам сўйганлар, тангриларига ноз-неъматлар ҳам эҳсон этган бўлсалар, қадимда зардуштийларнинг қурбонлик маросимларида хўкиз ва кўй сўйилган (Сулейманов, Исҳоқов, 1999. Б. 49).

Фарғона водийси шомон-бахшилари “юраги тушган” одамларни ҳам даволайдилар. Бунга кўра бирор-бир воқеа ёки ҳодисадан қаттиқ кўрқиб юраги жойидан силжиб қолган одамларнинг юраги кўтариб қўйилади. Жумладан, Андижон вилояти Избоскан тумани Янгиқишлоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Мавлуда бахши кишиларнинг юраги тушган ёки тушмаганлигини кўрғошинни эритиб, косадаги сувга солиш орқали аниқлар экан. Кўрғошин косадаги сувга солинганда коса тубига мисоли юрак сингари йиғилиб тўпланиб қолса, у одамнинг юраги тушган ҳисобланаркан. Бахши бу кишини хўроз ёки товуқ сўйиб, қонлаш орқали юрагини жойига тушириб кўяр экан. Юрак кўтариш жараёнида сўйилган парранда қонидан бир пиёлага олиб, юраги тушган одам юраги атрофи қонланар ва унга тошбақа қони ялатилад экан. Шундан кейингина унинг юраги жойига тушади, деб ҳисобланган (Дала ёзувлари. Андижон вилояти Избоскан тумани Янгиқишлоқ қишлоғи. 2009 йил).

Мавлуда бахши “юраги тушган” одамларни даволашнинг бошқа бир усулидан ҳам фойдаланади. Бунда бемор полга ётқизиблиб, унинг устидан совуқ сув қуйилади. Сўнгра беморнинг устидан қора мато ёпилиб, 30 дақиқа мобайнида қамчи билан секин уриб турилади. Белгиланган вақт тугаганидан сўнг беморнинг устидаги мато очилиб, унинг юзига уч марта сув урилади. Бу жараён уч чоршанба кунлари амалга оширилади. Охирги куни беморнинг танаси пичоқ билан силанади. Ана шундан сўнг беморнинг юраги ўз жойига қайтар экан.

Водийдаги шомон-бахшиларнинг “юраги тушган” одамларни даволаш усули бир-биридан қисман бўлсада, фарқ қилади. Жумладан, Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида яшовчи Собир бахши бундай беморларни даволашдан олдин унинг руҳий ҳолатини текшириб кўради. Агар касал киши руҳий таназзул ҳолатида бўлса, бахши беморга дам солиб, унга маълум вақт мобайнида тинчланиш имконини беради. Сўнгра беморни текис жойга ётқизиб, унинг устидан қора мато ёпиб, юрагини уқалаб, устидан кўрғошинни айлантириб олади. Агар кўрғошин бир жойга йиғилиб қолган бўлса, ўша одамнинг юраги тушган бўлар экан (Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри. 2009 йил).

Фарғона водийсида “жин чалган” одамларни даволаш иши билан асосан бахшилар, қисман диний уламолар шуғулланадилар. Жумладан, Наманган вилояти Наманган тумани Шўркўрғон қишлоғида яшовчи Абдурахим дуохон “жин чалган” одамларни қора тол новдасидан тайёрланган хивчин билан уриб даволайди. Хивчиндаги новдалар сони тоқ бўлиб, асосан, 11 ёки 15 та новдадан иборат бўлади. Хивчиннинг қора толдан ясалишига сабаб, жинлар гўёки қора рангдаги буюмлардан қаттиқ кўрқар экан (Дала ёзувлари. Наманган вилояти Наманган тумани Шўркўрғон қишлоғи. 2009 йил).

Фарғона водийси шомонларининг даволаш маросимида кенг тарқалган кўринишлардан бири касалга “зиён етказган” руҳларни боғлаб “банд” ёки “тумор”лар қилиб беришдир. Масалан, Наманган вилояти Норин тумани Қозоқовул қишлоғида яшовчи Малика бахшининг сўзларига қараганда, банд қилиш жараёнида

қайчидан фойдаланиш тақиқланади. Чунки, қайчи ажратиш хусусиятига эга бўлиб, қилинаётган банднинг иккига бўлиниб кетишига сабаб бўлар экан (Дала ёзувлари. Наманган вилояти Норин тумани Қозоқовул қишлоғи. 2010 йил). Қайчининг ажратиш функциясини дунёнинг бошқа халқларида кўриш мумкин. Жумладан, қадимги Римда маҳаллий аҳоли қайчининг юқоридаги вазифасини инобатга олиб, уни совға сифатида бирор кишига бермаганлар (Мингбоева, 2007. Б. 153). Қайчи шакли бўйича дунёнинг ўрин алмашиши, бунёд этиш ва йўқ қилишнинг рамзи сифатида талқин қилинади.

Банд қилишда бахши дуолар ўқиб, ипга “суф-суф”, деб дам солиб турган. Банд қилиб бўлингандан сўнг бахши беморга “сенинг инс-жинсларингни боғлаб қўйдим”, деб айтган. Банд оилада ўзаро совуқчилик тушиб эридан нолиб борган аёллар, турли буюмлари йўқолган кишилар, иши юришмаётган одамларга ҳам қилиб берилган (Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Қайтмас қишлоғи. 2010 йил).

Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, банд қилиш жараёнида куннинг маълум бир даври инобатга олинади. Жумладан, Андижон вилояти Шаҳрихон туманида яшовчи Холида бахшининг эътироф этишига қараганда, аср намози билан шом намози оралиғида қилинган бандни кўчага ташлаш керак. Чунки, худди шу даврда қоронғилик ва ёруғлик ажралиб, руҳлар сайрга чиқар экан. Шунинг учун кўчага ташланган банднинг ечилиши нисбатан осон бўлар экан (Дала ёзувлари. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани Камолтепа қишлоғи. 2009 йил).

Бахши томонидан қилинган бандни бемор ёки бандга муҳтож бўлган киши бахши белгилаган кунгача тақиб юрган. Сўнгра уни сувга ташлаб ёки ўтда ёқиб юрган. Айрим ҳолларда қилинган банд деворнинг орасига кўмиб ташланган. Бунга ўхшаш ип тугунларни боғлаш одатини Сибирь, Европа ва Олд Осиё халқларида кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Инглиз этнологи Ж. Фрээр тугунларнинг афсунгарлик кучи ва кулфлар тўғрисидаги асотирлар хусусида батафсил маълумот берган (Фрээр, 1986. С. 151).

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, ўзбек халқининг анъанавий турмуш тарзидаги шомонлик эътиқоди излари ҳозирги кунга қадар қисман бўлсада, сақланиб қолган. Водий шомон-бахшилари даволаш маросимида алоҳида эътибор қаратадилар. Чунки, даволаш маросими орқали шомонлар аҳоли билан бевосита алоқада бўладилар. Водий шомонларининг даволаш маросимлари асосан кундуз куни амалга оширилади. Шунингдек, муолажа жараёни асосан, доира жўрлигида олиб борилади. Касални даволаш пайтида беморга зиён етказган ёвуз руҳларни қувиш мақсадида асосан тол новдаларидан фойдаланилади. Даволаш жараёни якунида шомон-бахшилар томонидан ёрдамчи руҳлар кўмагида зиён-заҳмат етказган нарсалар (игна, соч, мих, тирноқ, ип, турли хил буюмлар) олиб кўрсатилади.

Хуллас, ҳозирга кун халқ табобатида шомонликнинг даволаш билан боғлиқ анъаналаридан кенг фойдаланилаётганлигини кузатиш мумкин. Фарғона водийсида асосан ёвуз руҳлардан зиён кўрган беморлар даволаниш учун шомонларга мурожаат қиладилар. Бироқ шомонлар ўзларини шомон деб ҳисобламайдилар ёки бу ҳақда маълумотга эга эмаслар. Айнан беморларни даволашда ишлатиладиган маросимий атрибутлар ва муолажа жараёнида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларда локал хусусиятлар яққол намоён бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- Агаджанов С.Г.* Огузские племена Средней Азии IX–XIII вв. // Страны и народы Востока. М., 1971. Вып. 10.
- Басилов В.Н.* Пережитки шаманства у туркмен-гёкленов // ДОВКНСА. М., 1986.
- Демидова Е.Г.* Лечебные средства шамана (на материалах малых народов Дальнего Востока. Конец XIX – начало XX в. // Тезисы Всесоюзной научной конференции. – Л., 1975.
- Диваев А.* Баксы как лекарь и колдун // ИОАИЭ. Казань, 1899. Т.XV. Вып.3.
- Дьяконова В.П.* Предметы к лечебной функции шаманов Тувы и Алтая // СМАЭ. Т. XXXVII. Л., 1981.
- Ерзакович Б.* Врачевательная песня бахсы / Народная музыка в Казахстане. Алма-Ата, 1967.
- Мингбоева Д.* Тимсоллар тилсими. Тошкент, 2007.
- Нур-мурадов К.* О традиционном способе лечения кожной болезни у туркменнохурли // Тезисы Всесоюзной научной конференции. Л., 1975.
- Саримсоқов Б.* Ўзбек маросим фольклори. Тошкент, 1986.
- Сухарева О.А.* Ислам в Узбекистане. Ташкент, 1960.
- Троицкая А.Л.* Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. Ташкент, 1925. №10.
- Фрэнгер Дж.* Золотая ветвь. М., 1986.
- Қўнгирот Ҳ.* Тоғ элининг табобати // Ёшлик. 2007. № 6.
- Inan A.* Tarihte ve bugun samanism. Materiallari lor ve Arastrmalar. Ankara, 1972.
- Roux J.P.* Elements shamaniques dans lex textes pre-non gols // Anthros. 1958. № 53.

УДК: 908

## МУЗЕЙ ВА ТОМОШАБИНЛАР ЎРТАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ МУЛОҚОТ ВА УНГА ИЛМИЙ ЁНДОШИШ

© 2015. Ш.А. Каюмова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти

**Калит сўзлар:** музей томошабинлари, инновацион технологиялар, аудио-гидлар, аудио-плейерлар, мультимедиа дастурлари, мониторлар, сенсон киосоклар.

*Вопрос о том, каким именно должен быть современный музей, весьма актуален для музееведов. Одна из важнейших задач, стоящих ныне перед музеями, на что следует обратить внимание для привлечения посетителей. Данная статья посвящена широкому спектру использования современных информационных технологий, именно для привлечения внимания посетителей к музеям. Здесь, в частности, нашли свое отражение аудио-гиды, аудио-плейеры, мультимедийные проекты, мониторы, сенсорные киоски и другие средства, используемые в деятельности современных музеев для создания удобств посетителям.*

### MODERN RELATIONSHIP BETWEEN THE MUSEUM AND ITS VISITORS

**Sh.A. Kayumova**

*The question of that which has to be the modern museum, is very actual for specialists in museum management. One of the major tasks facing nowadays the museums - on what it is necessary to pay attention for involvement of visitors. This article is devoted to a wide range of use of modern information technologies for drawing attention of visitors to the museums. Here, in a particular, audio-guides, the audio-players, multimedia projects, monitors, touch booths and other means used in activity of the modern museums for creation of conveniences visitors found the reflection.*

Музейининг асосий хусусияти шундаки, томошабинларга музей маданиятини сингдира олиш, музей муҳитида музей тилини тушуна олишига эришишдир. Бу борада музей маданиятини ўрганишда асосий кўрсаткич музей тўғрисида турли адабиётлар, мақолалар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар орқали тўпланган маълумотлардир. Музей аудиториясининг бир қатор хусусиятларини ўрганишда ижтимоий-демографик таҳлил натижалари томошабиннинг қуйидаги аниқ белгиларини намоён этади: музей машғулоти турлари, аудиториянинг жинси, ёши, яшаш жойи, музейга ташрифи сабаби кабилардир. Шунингдек, музей аудиторияси билан олиб борилган сўров натижаларини музейнинг фонд, экспозиция ва маънавият бўлимларида тадбиқ этиш мумкин. Музей томошабинининг билдирган танқидий фикри музейда келгусида мўлжалланган ишлар учун янги имкониятлар, шароитлар яратиши аниқ. Жумладан, музей экспозицияси билан танишган археологнинг танқидий фикри музей экспозициясини қадимги даврларини жаҳон стандартлари кўринишида жиҳозлашда катта ёрдам беради.

Музей ишининг тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпинча музей ва томошабин ўртасида амалий қарама-қаршиликлар юзага келади. Бу борадаги муаммоли вазиятларни ҳал этишда, яъни “музей ва томошабин” масалаларини ўрганишда музейнинг қуйидаги томонларига эътибор бериш зарур:

1. Музейга томошабинларнинг ташрифи камлиги.
2. Музей экспозицияси ашёлар билан бой эмаслиги.
3. Экспозициянинг бадиий-меъморий ечими замонавий талабларга жавоб бера олмаслиги.



4. Музейнинг экспозицияси қизиқарли маълумотларга бой, лекин ташкилий тўсиқлар томошабинларнинг юқори даражаги ташрифига йўл қўймаслиги.

5. Музей бошқа маданий ташкилотлар билан рақобатда бўлиши;

6. Музейда экскурсантлар ва якка тартибдаги томошабинларнинг меъёрдан қўплиги.

Модомики, музейлар фаолиятининг ютуғининг асосий меъёри музей ходимларининг ғоявий масалалар тушунчаси замиридан қаралар экан, бунда албатта замонавий музей томошабинларининг фикрини, хохишини ўрганиш лозимдир. Музейга келган томошабин музей экспозициясида намоиш этилган ноёб экспонатларни тамоша қилиш, ўрганиш борасида ташриф буюради. Музей тарих, маданият ҳақида ахборот берадиган қулай ва шинам муҳит яратилган илмий маскан ҳисобланади. Томошабинларга кўрсатилаётган хизмат ҳам аниқ ва эффектив бўлиши керак. Музей ходимлари ва назоратчилари томошабинлар билан ишлаш йўриқномаларини билишлари лозим. Томошабинлар якка тартибда, гуруҳ тарзида музейга ташриф буюришади. Албатта, якка тартибдаги томошабин билан гуруҳ ичидаги томошабинларнинг экскурсия ўтилишида ҳам фарқ жуда катта. Яъни, якка томошабин музейга ўз хохиши билан, қизиқишига кўра келган бўлиши мумкин. Шу боис, у экскурсиядан кўп маълумот олишни, гуруҳ ичидаги томошабин эса музей, экспозиция тўғрисида умумий маълумот олишни истайди.

Агар томошабин санъатшунос ёки археолог бўлса, унда у экспозицияда кўрсатилган экспонатлардан қоникмай, қўшимча маълумот олишни ҳоҳлаш мумкин. Бу масалада, музей тартиб қойидаларига роя қилган ҳолда, уни музей фондида сақланаётган материаллар билан таништириш мумкин. Бундан ташқари, музей фондида сақланаётган материаллар каталогини тузиш лозим. Шунда, музей экспозициясига қўшимча маълумот олишни истаган томошабин биринчи навбатда нашр қилинган каталогни сотиб олади. Каталогда берилган маълумотлардан ҳам қоникмаса, унда уни фонд материаллари билан таништиради бўлади. Ушбу жойда музей илмий маскан сифатида намоён бўлади.

Хорижий музейлар тарғибот ишлари хусусида тўхталадиган бўлсак, уларда экскурсия ишлари жуда пухта йўлга қўйилган, яъни экскурсияларнинг электрон матнлари кенг қўламда бўлиб, экскурсияни олдиндан буюртма берган, махсус соҳа эгалари учунгина оғзаки тарзда ўтилади. Шу билан бирга, масалан, Англияда музей фондидаги экспонатларни ва уларни реставрация, консервация қилиш жараёнини кузатиш томошабинларни жуда қизиқтиради, бу хизмат тури учун яхшигина пул ҳам тўланади. Музейлар ўз биноларини кўпинча Туристик Ахборот марказларига ижарага беришади. Бу йўл орқали ҳам музей ўз томошабинлари сонини ортишига ёрдам бериши мумкин. Яъни, музейлар кўпгина турфирмалар билан ҳамкорлик ўрнатиб, улар ишида ўз рекламасини ташвиқ этиши мақсадга мувофиқдир. Музейлар доимий равишда бошқа маданий марказлари билан рақобатда бўлишади. Бу дегани, улар ўзаро бир-биридаги маданий ҳаётдан бохабар бўлишлари, янги экспозициялар, кўргазмалар яратилишида ҳамфикрликларидадир. Яна Англия музейлари мисолида оладиган бўлсак, кейинги йилларда улар “хусусий коллекциялар” кўргазмасига кўпроқ эътибор бера бошлашди. Бундай кўргазмаларда коллекциячилар ўз тўшамларини бемалол намоиш этишлари ва улар катталар ва болалар учун ҳам ташкил этишлари мумкин.

Музей ва томошабин ўртасидаги мулоқот экскурсия натижасида амалга оширилиши маълум. Экскурсияларнинг турли ёшдаги томошабинлар ва мутахассислар учун ташкил этилиши музей тўғрисидаги маълумотни қабул қилишда қулайлик ва янги имкониятлар бериши мумкин. Экскурсиялар эса турли ёшдаги томошабинларга мўлжалланган бўлиши ва индуктив, дедуктив шаклда, ҳамда маълум бир мавзуга йўналтирилган бўлиши керак. Лекин шунга аҳамият беришимиз керакки, экскурсаводларнинг учинчи тўртинчи экскурсияларидан кейин уларни жонли радиога ўхшатишимиз мумкин. Яратилаётган замонавий технологиялар буларни бартараф этиш имкониятини беради. Бу борада аудио-гидлар, аудио-плеерлар музейнинг ихтиёрий томошабини учун билим олишнинг янги усулларини яратади. Музейларда ўтказилиб туриладиган конференциялар, танловлар, махсус соҳа (санъатшунослар, археологлар, тарихчилар, музей илмий ходимлари) билан ташкил этиладиган суҳбатлар ва уларга музей аудиториясининг

жалб қилиниши музейни илмий-маданий-тарғибот-ташвиқот ишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Замонавий музейларнинг истиқболларидан яна бир йўналиши музей аудиторияси билан ишлашда музейларда сервис хизматини яхши йўлга қўя олишликдир. Яъни, томошабинлар учун қулай шароитнинг яратилиши, ёшлар учун қизиқарли тарзда виртуал кўргазмаларнинг ташкил этилиши, арт кафе, арт магазинлар, музей залларида ҳордиқ чиқариш учун юмшоқ мебелларнинг қўйилиши ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Шунингдек, музейнинг жойлашув ўрни ҳам катта аҳамиятга моликдир. Музейга келиш учун транспорт хизматининг яхшилиги, музей атрофида меҳмонхоналар, кафеларнинг мавжудлиги томошабинларнинг, сайёҳларнинг янада кўпроқ ташрифи учун имкон беради.

Маълумки, XXI аср музейлар учун инновациялар асри деб белгиланган. Сўнгги йиллар мобайнида музейшунослар томонидан оммавий аудиторияни жалб этишдаги кўплаб актуал масалалар кўриб чиқилмоқда. Мазкур масалалар юзасидан музейни ташкил этувчи илмий ва кўнгилочар воситалари ҳақида, музейнинг атроф муҳит ва жамиятнинг ривожига қай даражада таъсир этиши ҳақида бир қатор фикрлар юритилган. Музейларда элитар белгилардан озод бўлиб, ўтган асрнинг классик концепциясидан йироқлашган ҳолда, музей материалларини намойиш этишнинг янги усулларини тадбиқ этилди, маданий-таълимий фаолиятнинг ноанъанавий дастурларини ишлаб чиқилди, махсус музей структуралари яратилди, қизиқарли туризм дастурлари яратилмоқда. Музейшунослик замонавийликнинг ижтимоий ва сиёсий муаммоларига юз тутди. Янги музей концепцияси муаллифлари томонидан эса музейда жамоа билан коммуникациянинг янги усуллари жорий этилмоқда.

Замонавий ҳаётда музейлар анъанавий вазифалар ва функциялардан биров четга чиқиб, жамият ҳаётида актив иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш керак [Квебекская декларация, 1985].

Замон ўзгаргани сайин у билан бирга инсонларни онги ҳам ўзгариб бормоқда. Шу боис музейлардаги экспонатларга ҳам бошқача кўз билан қараладиган бўлди. Музейлар бўш вақтни қизиқарли ўтказиш мумкин бўлган масканга айланиб бормоқда. Бу албатта музей ишида энг янги замонавий технологияларнинг тадбиқ этилиши натижасидир.

Маълумки, музейларда экскурсовод ёрдамисиз сайёҳларнинг экспонатлар билан танишиб чиқиш оддий томошабин учун жуда мураккаб саналади. Экспозицияни томошабинга тўлиқ етказишда бир қатор янги инновацион технологиялар ҳозирги кунда музей ҳаётидаги асосий янгиликлардан бирига айланиб бормоқда. Музейлар фаолиятини ривожлантиришда янги имкониятларга, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда жаҳон музейшунослигидаги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда юртимиз музейларида тадбиқ эта олиш ўзбек музейшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир. Бу борада айниқса, музей ва томошабин масаласи катта аҳамият касб этади. Томошабинларнинг қизиқишини оширишга хизмат қиладиган инновацион технологияларни музейлар бошқарувида қабул қилиш самарали натижа беради.

Масалан, Россиядаги Рус музейида ташкил этилган Филонов кўргазмасида асарлар турли овозли эффектлар ёрдамида намойиш этилган. Шу ернинг ўзида рассомнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильмлар мониторларда кўрсатилган. Махсус компьютер тармоғи доирасида эса хоҳловчилар тартибли равишда кўргазма ҳақидаги ўзларини қизиқтирган маълумотларга эга бўлишлари мумкин [[http:// www.gif.ru/themes/culture/ filonov-opened/](http://www.gif.ru/themes/culture/filonov-opened/)].

Замонавий кўргазмаларнинг энг оддий кўринишларидан яна бири мультимедиа воситаларидан фойдаланиш бўлиб, унда дастур намойиш этилган объектнинг тузилмавий қисми ҳисобланади.

Мультимедиавий компьютер системалари томошабинларга маълумот етказишнинг замонавий, тезкор, қулай усули ҳисобланади ва катта ҳажмдаги матнлар (гипертекст), илгари намойиш этилмаган асарлар билан танишиш имкониятини беради.

Мультимедиа экспозициянинг тўлдирувчиси бўлиб, томошабинни бутунлай ўзига жалб этади ва экспозиция концепциясини очиб беради.

Мультимедиа қулайликлари қуйидагилардан иборат:

Томошабиннинг керакли маълумотни эркин танлаш имконияти (интерфаол).

Томошабиннинг кўргазмадаги фаол иштироки.

Реал кўргазмада кўриш имконияти бўлмаган ашёлар ва жараёнларнинг намоиши.

Музей оламида ўзини эстетик ва маънан ҳис қила олиш имконини беради.

Кўргазмаларда мультимедиавий дастурлардан фойдаланишнинг ўзига хос муаммолари ҳам мавжуд. Уларга жиддий эътибор қаратиш зарур. Масалан, мультимедиа томошабинни реал кўргазмадан чалғитиши, музейда тартиб-интизомнинг бузилиши, компьютер технологияларидан хабардор бўлмаган томошабинларнинг ғашига тегиши мумкин. Мультимедиа дастурлари орқали намоиш этиладиган кўргазмаларнинг концепцияси мукамал ишлаб чиқилган бўлиши зарур. Иккита: реал кўргазма ва мультимедиа дастури намоишлари бир-бирини доимий равишда тўлдириб туриши керак. Одатда мультимедиа дастурлари экспозициянинг бошланиш маршрутига жойлаштирилган ахборот киоскасида намоиш этилади ва қуйидаги функцияларни бажаради.

Қидирув функцияси: томошабин экспозиция ҳақида тўлиқ маълумотга: у нечта қисмдан иборатлиги, қандай вақтинчалик кўргазмаларни кўриш мумкинлиги, экспозиция ташкилотчиларининг қонун қоидалари ҳақидаги маълумотларга эга бўлади ва экспозиция бошланишидан олдин музей йўналишини аниқлаб олади. Қидирув функциясини ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- киоскалардаги маълумотлар томошабинга эскурсавод томонидан берилаётган маълумотларга тўлдирувчи сифатида намоиш этилиши керак:

- маълумотлар шундай ишлаб чиқилган бўлиши керакки, томошабин кўргазмаларнинг кетма-кетлиги бўйича тезкор равишда маълумотга эга бўла олиши керак (масалан: биринчи залдан иккинчи залга ўтиш вақтида);

- кўргазмаларнинг кўламига қараб информацион қурилмалар сони етарли даражада жойлаштирилган бўлиши лозим.

Экспозиция ёки вақтинчалик кўргазмалар учун йўл кўрсатгич функцияси; Музейнинг йўл кўрсатгичи функциясини бажарувчи маълумотлар одатда экспозицияга кириш жойида, бинонинг махсус ажратилган қисмида жойлаштирилади, (масалан, бундай жараённи Вашингтондаги Миллий бадий галереяда кузатиш мумкин) ёки бу томошабин ўзи билан олиб юрадиган ихчам қурилма CD плеер бўлиши мумкин. Бундай мультимедиавий системалар томошабинларга танланган мавзу доирасидан аниқ ва кенг маълумотга эга бўлишига имкон беради. Аудио-визуал маълумотлар экспозиция ёки кўргазмани тушуниб олишни мукамаллаштиради.

Музей коллекцияларини ўрганиш учун қурилма;

Бундай системаларнинг музейшуносликка муваффақиятли кириб келиши, ажойиб сифатли тасвирларни қулай қидирув имкониятини берди. Системалар алоҳида коллекциялар орқали маълумотлар базасини бирлаштирувчи музей тармоғининг муайян қисмига айланган. Бу системалар намоиш этилмаган, илгари кўриш мумкин бўлмаган коллекцияларнинг қолган қисмига юқори даражада визуал баҳо бериш учун мўлжалланган. Шу сабабли бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ музей томошабинлари тасвирларни кўра олиши учун бундай қулай лойиҳалаштирилган қурилмалар зарурдир [Елинер, 2008].

Бугун дунёнинг йирик музейларидаги кўргазмаларнинг ҳеч қайси бири томошабинга кўргазма ҳақидаги маълумотларни, турли рангли тасвирлар билан безак берилган аудио, видео ва матнларни аниқ етказиб берувчи мультимедиа дастурларисиз ўтмайди. Сўзлаб берувчи ўз функциясини муваффақиятли бажариши учун мультимедиа дастурининг оддий фойдаланувчи интерфейсига эга бўлиши ва у кўргазма яқинида жойлаштирилиши зарур.

Ҳозирда мультимедиавий системалар кўпгина музей экспозицияларининг мустаҳкам хал қилувчиси ҳисобланади. Бироқ бу жараёнда кўргазма модернизациясига ҳар томон-

лама ёндашиш керак ва кўргазма бўшлиқларини, камчиликларини тўлдириши зарур. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, томошабин кўргазмаларга баҳо берганида дуч келадиган асосий муаммо бу айнан мультимедиа дастурлари ёрдамида амалга оширса бўладиган муаммо ҳисобланади. Булар кўргазма мақсадининг томошабинга унчалик аниқмаслиги, ташкиллаштириш схемаларининг тушунарсизлиги, томошабинлар маълумотларни эслаб қололмаслиги каби муаммоларни мультимедиа дастурлар ҳал қила олади. Лекин буларни тадбиқ этишда томошабинлар билан ишлашнинг анъанавий шаклини ҳам унутмаслик керак. Айрим кўргазмалар борки, уларни мультимедиа дастурларисиз ўз ҳолича қолдириш талаб этилади. Вақтинчалик кўргазмалар учун ишлаб чиқилган компьютер дастурлари шуниси билан қулайки, уларни кейинчалик музейнинг илмий-маърифий ишларида ҳам фойдаланиш мумкин, масалан у орқали музейни ишдан ташқари интеллектуал марказга айлантириш мумкин.

Мультимедиа дастурларни яратиш технологиясини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Мультимедиа яратишнинг энг қийин босқичи бу сценарий тузиш. Бунда музей санъатшунослари, кўргазма ташкилотчилари, концепция муаллифи биргаликда ишлаши зарур. Аввал кўргазма ғояси билан мос келувчи дастур ғояси аниқланади. Мультимедиа дастуридаги маълумотлар кўргазмани тўлдирувчиси сифатида ишлаб чиқилиши керак. Фойдаланувчилар кимлар эканлиги аниқлаб олинади. Системага жойлаштирилган маълумотлар ноёб (архив маълумотлар) ва аниқ бўлиши керак. Санъатшунослар тасвирий маълумотларни ҳам танлаб олишади (китобий иллюстрациялар, фотосуратлар, полиграфик ва нополиграфик слайдлар).

Музей кўргазмасига бағишланган ҳар бир дастур ўзининг интерфейс дизайнини талаб қилади. Шунинг учун дастур ишлаб чиқиладиганида шрифтлар, экран кўриниши, рангларнинг тўғри танланганлигига эътибор берилади. Тасвирий маълумотлар сканер қилинади ва унга ишлов берилади. Овозли маълумотлар ҳам махсус компьютер дастури орқали сайқалланади.

Мультимедиа дастурларини монтаж қилишда томошабин учун турли кўринишда бўлиши ва дастур икки қисмдан иборат бўлиши (слайд ва интерфаол) керак.

Мультимедиа яна бир аҳамиятли жиҳати, танланган мавзу доирасида энг қизиқарли бўлган вазият – моддий объектни экспозицияда намойиш этиш имконияти йўқлигидан бу вазифани мультимедиа ўз зиммасига олади. Буларнинг барчаси анъанавий воситалар (макетлар, схемалар ва бошқалар) ёрдамида кўрсатилиши мумкин, лекин айни дамда маълумот етказишнинг замонавий воситалари бошқаларига нисбатан таъсирлироқдир. Мультимедиадан шу тарзда фойдаланиш тажрибаси табиий-илмий ҳамда техник музейларда кенг қўлланилади, лекин бадиий ва тарихий йўналишга эга музейларда ҳам фойдаланиш кенг тусга кирган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки мультимедиа дастурларининг таъсирчан бўлишида социологлар, музей экспозицияларини ташкиллаштирувчилар, санъатшунослар, музей педагоглари ва компьютер мутахассисларининг доимий равишда бирдамлиги зарурдир. Мультимедиа технологиялари бу замонавий техникаларни реклама қилиш эмас, балки, музейнинг тўлиқ маълумот берувчиси бўлиши зарур [Лебедев, 2007].

Музейларда жойлаштирилган сенсор киосклари томошабинларга ахборотларни етказишда муҳим замонавий воситалардан саналади. Бу тарздаги ахборот тизимлари томошабинларга экспозицияни, турли кўргазмаларни таништиришда “виртуал гид” вазифасини ҳам ўтайди.

Турли ахборот тизимлари ва сенсор киоскларидан фойдаланиш музейлар тўғрисида маълумотларни тўғри етказиш сифат даражасини оширмоқда. Томошабин музейга ташрифи чоғида ўзини қизиқтирган экспонатнинг яратилиш тарихи, муаллифи хусусида илмий маълумотлар билан танишади. Шубҳасиз, бу тизимлар музейларда янги ахборотлаш даражасини мустаҳкамлаб, томошабинларни жалб этмоқда.

Юқорида келтирилгандай, аудио-гидларнинг музейда ишлатилиши, томошабин учун жуда қулайдир. Музей экспонатларини жамоа билан экскурсовод ёрдамида танишиб чиқаётган вақтда бирон-бир томошабин орқада қолиб, ниманидир эшитолмай



қолиши, экскурсовод унга қайта тушунтириб беришига яна қўшимча вақт кетишини ҳисобга олиб, шундай технология тадбиқ этилган. Аудиогидлар худди оддийгина қўл телефони ёки мусиқалар ёзилган плеернинг кўринишида бўлиши мумкин. Кўп томошабинлар музей заллари бўйлаб эркин саёхат қилишни маъқул кўради. Айнан мазкур қурилма уларга шу вақтда қулай келади. Хохлаган вақтида ўзи қизиқган экспонатнинг олдида бориб, у ҳақидаги тўлиқ маълумотни тинглаши мумкин. Бу экскурсовод кетидан бирон маълумотни эшитолмай қолишдан қўриқиб, экспозицияни чала қабул қилиб кетишига чек қўяди” [Аллаков, 2011].

Турли мамлакатлардан келган сайёҳлар меҳмон бўлаётган жойларидаги музейларда ўзлари учун қулай шароит бўлишига эътибор қаратади. Замонавий музейлар хизматлар кўрсатишни юқори босқичга олиб чиқишда янги технологияларга мурожаат қилишга қарор қилди. Шу йўсинда “аудиогид” деб номланган ёрдамчи восита ишлаб чиқилди. Аудиогид ўзига экспозиция ҳақидаги маълумотларни қамраб олган бўлади. Музейга келган гуруҳ томошабинлар ўзлари учун алоҳида аудиогид ижарага олишлари мумкин бўлади. Томошабин аудиогид ёрдамида одатда гид сўзлаб берадиган барча маълумотларни эшитиши мумкин. Баъзи аудиогидлар ҳатто қўшимча фотосуратларга ва мусиқавий эшиттиришларга ҳам эга бўлади. Аудиогид маълумотларни турли тилларда етказиш имкониятига эгадир. Уни хохлаган вақтида исталган тилда эшитиш мумкин. Уни шунингдек, шаҳарнинг барча нуқтасида тинглаш ҳам мумкин. Бу албатта, жамоа бўлиб юришни хуш кўрмайдиганлар учун қулай. Одатда аудиогидлар бир қанча аудио-фрагментлардан ташкил топади. Фрагментлар музейнинг схемаси ва экспонатларнинг жойлашуви бўйича рақамланади. Аудиогидлар кўпроқ чет мамлакатларда кенг тарқалган. Ҳар бир музейга ташриф буюрган томошабин аудиогидлардан фойдаланиши музейнинг кўпроқ танилишига хизмат қилади. Бундай ишлар экскурсоводларнинг ишини енгиллаштиришга имкон яратади. Лекин, шу билан бирга музей экскурсоводларининг қанчалик билимга эга бўлиши ва музей залларидаги маълумотни томошабинга қанчалик аъло даражада етказиб бериши музей коммуникацияси билан тўлиқ танишиш имконини беради. Шу билан бирга экскурсоводга ўзи қизиқтирган саволлар билан бемалол мурожаат этиши мумкин. Аудиогидлар эса томошабин учун қулайлик яратиши ва хохлаган тарзда музей заллари билан танишиш учун шароит яратиши мумкин. Шу билан бирга музейларда сенсор киосклар, аудиовизуал технологиялар ва аудиогидлар ҳар қандай ёшдаги томошабин эътиборини жалб қила олади. Унинг ёрдамида музей тарихи, экспонатлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконияти мавжуд. Ҳар бир музейда шу каби технологиялар тадбиқ этилиши музей ривожининг истикболи бўла олади.

Умуман олганда, замонавий музейларнинг ривожланишида кўргазма, экспозициялар томошабиннинг қизиқишига, фикрига кўра ташкил этилиши, уларнинг музей тўғрисидаги маълумотни қабул қилишида керакли шароитнинг яратилиши, томошабиннинг музей коммуникацияси билан узвий боғланишида замонавий технологияларнинг тадбиқ этилишида музей ходимлари масъул ҳисобланадилар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- Аллаков Б.** Музейларда инновацион технологияларнинг жорий этилиши аҳамияти // Фан соҳасида инновациялар: назария ва амалиёт. ЎзМУ Факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедраси илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент, 2011.
- Елинер И.Г.** Мультимедийная культура и современное общество // НППЛ «Родные просторы». М., 2008.
- Квебекская декларация:** основные принципы новой музеологии // Museum. 1985. № 148.
- Лебедев А.В.** Информационные технологии и современная музейная экспозиция // Российское экспертное обозрение. М., 2007. №6 (23).
- <http://www.gif.ru/themes/culture/filonov-opened/>.

УДК 94 (575.146) (093)

## IX–X АСРЛАРДА БУХОРОДА ИЛМИЙ-МАДАНИЙ МУҲИТ ТАРИХИ

© 2015. К.Р. Раҳимов

*Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлғезмалари маркази*

**Калит сўзлар:** *Мовароуннаҳр, Бухоро, Бағдод, сомониёлар, академия, масжид, мадраса, кутубхона, рабоб, маданият, илм-фан, имло, фикр, ҳадис, тарих, тасаввуф, тилишунослик, фалсафа.*

*В статье на основе источников освещаются некоторые вопросы истории Бухары IX-X вв, научно-культурная среда того времени, учёные, а также создание научно-культурных и образовательных учреждений.*

### THE HISTORY OF SCIENTIFIC AND CULTURAL ENVIRONMENTS BUKHARA IX-X CENTURIES

**K.R. Rahimov**

*The article basing on the sources covers the history of Bukhara of the 9<sup>th</sup>-10<sup>th</sup> centuries, its scientific and cultural environment, and scholars, as well as scientific-cultural establishments, and higher education institutions of that time.*

Бухоро IX–X асрларда жаҳон маданият-маърифий тамаддунига улкан ҳисса қўшган давлат пойтахти, Мовароуннаҳрдаги йирик илмий марказ, олимлар жамулжам бўлган, минглаб толиблар бошпана топган муқаддас шаҳар сифатида шуҳрат топган.

Маълумки, ҳар қандай таълим, «Байт ул-ҳикма», академиялар мадрасадан бошланади. Исломида илк таълим муассасаси Пайғамбар масжиди бўлган. Ул зот у ерда ўтириб, саҳобаларига диндан таълим берган. Исломи ва ахлоқ асосларини ўргатиб, уларга ваъз-насихатлар қилган. Мадрасалар қадимдан олий ўқув юрти мақомида бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши ўқитишда янги усулларнинг вужудга келиши билан узвий боғлиқдир. VIII–IX асрларда талабалар, асосан, масжидларда ўқитилар, уларда мусулмон дини ақидалари, исломий илмлар (нақлий илмлар) билан бир қаторда, аниқ фанлар (ақлий илмлар) ўқитилар эди.

#### **1. Масжид.**

Бухорода масжид ислом кириб келишидан бошлаб таълим марказига айланган. Қутайба ибн Муслим бухороликларнинг имкон қадар барчаси жума намозида иштирок этишига, ислом асослари, таълимотлари, дарс ва панд-насихатларини ўз ичига олган хутбани тинглашларига эътибор қаратган. Шу мақсадда амир Қутайба Масжиди Калонга намозга келган ҳар бир кишига икки дирҳамдан пул берган [Наршахий, 2000. 74-б].

#### **2. Бошланғич мактаблар (ал-мадраса ал-ибтидоия).**

Бошланғич таълим муассасаси – мактаб(мадраса)да ёш болаларга Куръон, ҳадис, қироат ва китобат (хаттотлик) асослари ўргатилган. Бу иш билан ўртача илмли муаллим шуғулланиб, уйда болаларни тўплаб, уларнинг яқинлари берган кичик

тўлов эвазига илм ўргатган. Улуғ табиб Ибн Сино ҳам Афшонанинг ана шундай мактабларидан бирида ўқиган [ал-Якутий, 1971. 36-б.]. Захҳок ибн Музоҳим ал-Хилолий болаларга Куръондан дарс бериб, улардан ҳеч нарса олмаган. Шунинг учун унинг мактаби болаларга тўла бўлиб, ўқувчиларнинг сони уч мингга етганди.

Бухорода кенг тарқалган мактаблар қаторида амир, катта мансабдорлар, саркардалар, бойлар фарзандларини ўқитиш ва тарбиялаш, аклини ривожлантириш, болаларга ахлоқ-одоб, муомала, насаблар илми ва бошқа зарур билимларни ўргатиш учун олим, фақиҳ ва шоирларни хонадонларига чорлаб, улардан тарбиячи сифатида фойдаланганлар.

### **3. Мадрасалар.**

Швейцариялик арабшунос олим Адам Мец шундай ёзади: «Ўқитишда янги усулларнинг вужудга келиши, ўз навбатида, янги турдаги ўқув муассасаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Аввал айтиб туриб ёздириш, яъни, «диктовка» («имло») усули ўқитишда энг юқори даража ҳисобланган бўлса, Х асрдан бошлаб «тадрис» («шарҳ», «изоҳ», «мунозара») усули етакчи мавқени эгаллади. «Тадрис» усули ўша даврда қабул қилинган илмий мунозара билан узвий боғлиқ эди, масжидлар эса мунозара учун мувофиқ эмас эди. Натижада, бу даврга келиб мадраса вужудга келди» [Мец, 1973. с.154].

«Усули тадрис» кўпроқ мадрасаларда қўлланган. Натижада, янгича ўқитиш усуллари: мунозара, тафсир, шарҳ усуллари (Европада герменевтика тахлили) талабларига жавоб берадиган мадраса вужудга келди ва масжиддан ажралиб чикди, мактаблар эса масжидлар тасарруфида қолди. Энди мадрасалар учун махсус бинолар қурила бошланди [Долимов, 2010. №1.].

Шарқшунос А.Б. Халидов Мовароуннаҳр ва Хуросонда араб халифалигида илк бора мадрасалар барпо этилганини зикр этиб, биринчи мадраса Бухородаги «Форжак» мадрасаси деган фикрни беради. Ушбу мадраса 325/936 йил ёнғин натижасида ёниб кетган [Наршахий, 2000. 128-б.]. Шунингдек, ироқлик олим Ножий Маъруф тадқиқотида таянган ҳолда «Нишопур, Бухоро, Ғазна ва Бушанжда Бағдоддаги биринчи мадраса барпо этилгунга қадар 33 та мадраса мавжуд бўлган» [Халидов, 1985. с.186], деган маълумотни келтиради. Бартольд эса Мовароуннаҳрда мадрасалар учун дастлаб намуна ва асос вазифасини буддавийлар ибодатхоналари ўтаганини айтиб ўтган [Бартольд, 1966. 617-621 б.б.]. X–XI асрларда фаолият кўрсатган Бухородаги Абу Ҳафс Кабир, Самарқанддаги Қусам ибн Аббос мадрасаларининг номлари манбаларда қайд этилган [ал-Қураший, 1978-79. 49-б; 318-б.]. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Шоҳивайх ал-Қози (ваф. 361/971) Бухорога бориб, Абу Ҳафс ал-Кабир (767–832) мадрасасида ўқиган [ас-Самъоний, 1976. 47-б.].

Салжуқийларнинг вазири Низомулмулк таъсис этган мадраса ҳам бундан кейинроқ 459/1066 йилларда қурилган эди [Сагадеев, 1991. 68-б.].

Наршахий «Бухоро тарихи» китобида «Кулар Текин мадрасаси»ни зикр этади. Кулар Текин хуросонлик Муқанна инқилобчи саркардаларидан биридир. Бу тахминан 163/779 йилга тўғри келади [Наршахий, 2000. 30-б.]. Бу бизни VIII аср ўрталаридан Бухорода масжиддан мустақил тизимли мадрасалар бўлган, деган хулосага олиб келади. Бу ҳақида «Равзат ул-жаннот» китоби муаллифи тарихчи олим ал-Хавонсорий (ваф. 1313/1895) «Биринчи қурилган мадраса Бухорода бўлган» [ал-Хавонсорий, 1971. 184-б.] деб ёзган. Шунингдек, бу фикрни ислом

мадрасалари тарихини манбалар асосида ўрганган ироқлик профессор Ножий Маъруф ҳам маъқуллаиди [Ножий, 1973. 4-б.].

Бу фикр билан «Бағдоддаги тизимли мадраса – биринчи мадраса» дейдиган барча олимларнинг фикрларини мувофиқлаштириш учун тадқиқотчи айтади: «Бағдоддаги тизимли мадраса ислом маданияти тарихидаги биринчи мукаммал мадраса бўлган». Бу дарс бериш структураси, талабалар мажбуриятлари, дарс вақтларини тартибга солиш, бериладиган илм турлари, ўқиш даврий дастури, мадрасаларга махсус бинолар ва шу кабилардан иборат бўлган.

Амирлар ва олимлар Бухорода илм ўргатиш фан тараққиёти ва динга хизмат қилишини кўзлаб мадрасалар таъсис этишган. Чор Бакрнинг иккинчиси Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл (IX аср) «Сиккат ул-ҳадид» (Темирчилар кўчаси)да мадрасага асос солган [ас-Самъоний, 1976. 161-162-б.б.]. Амир Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний кўплаб мадрасалар қуришни буюрган. Унинг даврида барча мадрасаларнинг сони ислом шарқидаги мадрасалар сонидан кўп эди [ал-Қалқашандий, 1914. 432-б.]. Араб тили шу мадрасаларда ишлатиладиган тил бўлган. Молик ибн Динор [аз-Зандавистий, қўлёзма (XI). 196-б.] ва Муҳаммад ибн Фазл [аз-Зандавистий, қўлёзма (XI). 196-б.] каби баъзи олимлар эса араб ва форс тилларида дарс беришган. Бу мадрасаларда дин, тилшунослик илмлари, математика ва алгебра каби фанлардан дарс берилган [Ножий, 1973. 61-б.].

Мадрасаларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий мақомини белгиловчи асосий ҳужжати унинг вақфномаси ҳисобланган. Мадрасаларнинг мударрислари ва талабаларига уларнинг илм олишларига ёрдам берадиган вақф ва ҳадялар бериб турилган [ас-Самарқандий, 1985. 196-б.; Ножий, 1973. 61-б.]. Давлат миқёсидаги мадрасайи олиялар вақф мулкидан ташқари давлат хазинасидан ҳам таъминланган.

Мадрасалар илмий даргоҳ бўлиши билан бирга, бошқа юртлардан келадиган талабалар учун яшаш маскани ҳам эди [ас-Самъоний, 1976. 161-162-б.б.]. Имом Абу Ҳафс ал-Қабир ал-Бухорий мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар ва толиби илмларнинг орзу қилган илм даргоҳи бўлган [ас-Садатий, 1979. 181-б.].

#### **4. Кутубхоналар.**

Мадрасалар қошида бой кутубхоналар, уларда ноёб китоблар бўлган, даврнинг кўзга кўринган дабирлари, саҳҳофлари, хаттотлари фаолият кўрсатганлар, улар янги-янги китобларни кўчирганлар, кутубхонани керакли асарлар билан бойитганлар. Булардан ташқари, подшоҳлар, улуғ мутафаккирларнинг шахсий кутубхоналари бўлган, улардан иқтидорли талабалар фойдаланганлар [Долимов, 2010. №1.].

Бухоро амирлари кутубхоналар қуришга, уларни қимматли китоблар билан таъминлашга алоҳида эътибор берганлар. Ибн Сино таржимаи ҳоли ҳақида ёзган тарихчилар Амир Нух ибн Мансур ас-Сомоний қасрида китобга тўла катта хазина бўлганлигини таъкидлайдилар. Бу кутубхона Ибн Сино аввал кўрмаган ва эшитмаган нодир манбаларни ўз ичига олган эди. Бу ҳақда Ибн Сино 17 ёшида Нух ибн Мансурни (976–997) даволаётган вақтидаги маълумоти барчага маълум: «Бир кун мен ундан сарой кутубхонасидан тиббиётга доир асарлардан фойдаланишга рухсат сўрадим. У менга рухсат берди. Мен жуда кўп хонали бинога кирдим. У ерда китоблар устма-уст солинган сандиқлар бор эди. Бир хонада араб тили ва шеъриятига оид китоблар, яна бир хонада фикҳ бўйича китоблар, шу каби ҳар бир хонада маълум соҳа китоблари бор эди. У ерда қадимги муаллифлар китоблари



рўйхатини кўриб, ўзимга кераклиларини беришларини сўрадим. Мен у ерда ҳали бошқаларга номлари ҳам номаълум бўлган китобларни кўрдим. Бу каби кутубхонани ундан олдин ҳам кейин ҳам кўрмадим» [Халидов, 1985. 244-б.]. Бу китобларнинг тартибга солинган каталоги бўлган. Китоблар муайян таснифларга биноан тартибга солиниб, излаётган кишига талаб қилинган китобни топишни енгиллаштирган [ал-Қифтий, 1908. 271-б.]. Кутубхонанинг китобларга тўла бўлганига шу нарса далолат қиладики, Чингизхон аскарлари Бухорога 617/ 1220 йили кирганларида «сандикдаги нарсалар (китоблар)ни ташлаб, улардан отлар учун охурлар қилганлар» [Ибн ал-Абрий, йили кўрсатилмаган. 234-б.].

Кутубхонада китобларни асрайдиган, уларни тартибга солиш, муқовалаш ва озодаликка эътибор берадиган жавобгар ходимлар бўлган [ас-Самъоний, 1976. 14-б.].

Амирлар кутубхоналарга вақфларни у ерда ишлатиш ва турли жойлардан кутубхона зиёратига келадиганлар учун ажратишган [Вамбери, 1990. 10-б.].

#### **5. Варроқлар (китобфурушлар) дўкони.**

Китобфурушлар дўконлари маданият марказларидан бири ҳисобланган. Улар, аввало, турли манбалардан китоблар сотиб олишган. Сўнг уларнинг илмий аҳамияти ва фойдасини ўрганиб, харидорга тавсия этишган. Варроқлар янги келган китоблар борасида фикр алмашиш учун йиғилганлар. Улар даврасида толиби илмлар бу қимматли баҳсларга қулоқ солиш учун ўтирганлар. Бухорода варроқлар дўконларини ўз ичига олган махсус бозор бўлган [ал-Қифтий, 1908. 270-б.; Ибн Абу Усайбаъ, 1965. 438-б.].

Бухоро варроқлари орасида тарихчи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Гунжор [ас-Самъоний, 1976. 78-б.] ҳам бор эди. Муҳаммад ад-Даллолнинг [ал-Байҳақий, 1946. 55-б.] дўкони фақиҳ Солиҳ Жазранинг уйига яқин бўлган. Комил ибн Маккий ибн Муҳаммад ибн Вардон [Ёкут, йили кўрсатилмаган. 223-б.], Аҳмад ибн Шуайб ибн Солиҳ [аз-Заҳабий, 1992. 119-б.], Муҳаммад ибн Закарийе ибн Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Динор [Ибн Мокуло, 1966. 329-б.] ва Муҳаммад ибн Яҳё ибн ан-Назр ибн Муовиялар [Ибн Мокуло, 1966. 354-б.] бу жабҳада машхур бўлганлар.

#### **6. Работлар.**

Ҳарбий мақсадда асос солган работларни маданият муассасалари ҳисоблаш мумкин. Чунки бу ерда аскарлар баъзи илмларни, хусусан, диний илмларни ўрганишган. Бу уларнинг имонларини кучайтириш, маънавиятлари ва жанговар руҳларини кўтариш учун қилинган [Ибн Ҳавқал, йили кўрсатилмаган. 386-б.].

Таълим ҳаракатининг ривожланиши ва мавқеининг кенгайганлиги натижасида муаллим ва талабалар сони ортди. Бухороликлар амир Нух ибн Наср ас-Сомонийга нисбат берилган «ал-Варақ ан-Нуҳий» деган қоғознинг яхши турини ишлаб чиқардилар [Ибн ан-Надим, 1985. 109-б.]. Қоғоз, сиёҳ, қалам каби ўқув қуроллари олди-сотдиси кенг тарқалди. Бухороликлар бу ўқув қуролларига ҳурмат-эътибор билан қарашган. Имом Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоий ал-Бухорий (ваф.456/1063) айтади: «... қоғозни фақат таҳорат билан ушлаганман» [аз-Зарнужий, 1986. 111-б.].

Ўқув қуроллари адиблар учун тавсиф мавзуига айланган. Бухоро шоирлари қаламдон, сиёҳдон ва қаламтарошларни тавсифлаганлар [ас-Саолабий, йили кўрсатилмаган. 88-б.] Абу Абдуллоҳ Рудакий қаламни жуда нозик тавсифлаганки, уни жисмлаш даражасига етган [Абдулқодир, 1951. 141-142-б.б.]. Абул Фатҳ ал-Бастий ҳам қалам билан жуда фахрланиб айтади:

*Агар қаҳрамонлар бир кун қиличлари билан қасам ичса ва  
душманни енгиб, ҳурмат, улуғликка эришса,  
Ёзув қалами даврлар давомида фахрга кифоя этар,  
Чунки Аллоҳ ҳам қалам билан қасам ичган* [ас-Саолабий, 1983. 157-б.].

Қайд этиш жоизки, мадрасани муваффақиятли хатм қилганларга шаҳодатнома ёки ижозатнома, яъни дипломлар берилган.

**Маданий алмашинув.** Бухорога толиби илмлар ислом шарқининг турли ўлкаларидан ташриф буюришган. Масалан: улар Балх [ал-Қураший, 1978. 225-б.], Хирот [ал-Қураший, 1978. 243-б.], Губдин [ал-Қураший, 1978. 124-125-б.б.], Марв [Ибн Кутлубуғо, 1992. 231-б.], Насаф [ал-Хавонсорий, 1971. 235-б.], Бастдан [ал-Жавзий, 1990. 141-б.] келишган. Шунингдек талабалар ўша даврда илм марказларидан бўлган Бағдод ва Басра каби шаҳарларга боришган. Бухорога Бағдоддан Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Асодий келган [Ибн Касир, 1978. 102-б.]. Басрадан саҳоба Утба ибн Ғазвон невараларидан бири келган [ан-Насафий, 1991. 392-б.]. Яна Санад [ас-Саховий, 1963. 299-б.] ва Андалус каби узоқ ерлардан ҳам келишган. У ердан Абул Асбағ Абдулазиз ибн Абдулмалик ал-Умавий ал-Андалусий [ал-Жавзий, 1990. 191-192-б.б.], Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Қуртубий ал-Андалусий (у Бухорода яшаган даврида Андалус шайхлари тарихини йиғиб, 383/993 йили Бухорода вафот этган)лар келишган [ас-Самъоний, 1976. 345-б.].

Бунинг акси ўлароқ, бухоролик толиби илмлар ҳам Шарқ мамлакатларига, хусусан, ўша даврда исломий илм ва маданият пойтахти бўлган Бағдодга илм олиш мақсадида борганлар. Бунга энг ёрқин мисол Имом Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийдир. Қайтганида уни бухороликлар байрам қилиб кутиб олиб, оммага хизмат қилишини сўраганлар, масжидни безаб, ўрин тайёрлашган, токи Ироқдан олиб келган илм ва маърифатга бўлган чанқоқларини кондирсинлар [Наршахий, 2000. 82-83-б.б; аз-Зандавистий, қўлёзма (XI). 14-б.].

Бағдодга илм талабида борганлардан яна бири Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Собит ал-Бухорий бўлиб, у фикҳини ўрганган. Олимлар мажлисларига, хусусан, Абу Ҳомид ал-Исфарииний (ваф.406/1015) [ал-Мовардий, 1976. 15-б.] ҳузурига кўп борган. Шунингдек, Бағдодга Яхё ибн Жаъфар ибн Аъюн ал-Бухорий [ал-Бастий, 1979. 267-б.], Ҳусайн ибн Хизр ибн Муҳаммад ал-Фашидизажий [ал-Қураший, 1978. 109-б.], Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ибн Қаръалар [ал-Бағдодий, йили кўрсатилмаган. 386-б.] ҳам илм талабида боришган.

Бухоролик адиб Абдусамад ибн Муҳаммад ибн Ҳаявия саёҳатчилик билан шуғулланиб, ўз юриши давомида Бағдодга етиб борган ва у ернинг шайхлари ҳақида ёзиб қолдирган [аз-Заҳабий, 1992. 193-б; 400-б.].

Баъзи бухороликлар Маккаи Мукаррамага боришган. Улардан бири Абу Наср Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Шис ас-Саффор ал-Бухорийдир [ал-Қураший, 1993. 142-143-б.б.]. Санъога борганлардан бири эса Абу Амр Асмо ибн Абу Асмо ал-Бухорийдир [ал-Хавонсорий, 1971. 72-б.].

Бухорода турли фанларнинг ривож топишида амир ва вазирлар томонидан олимлар, фақиҳлар ва мударрислар иштирокида ташкил этилган илмий мажлислар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу борада айниқса амир Қутайба ибн Муслим, амир Исмоил ибн Аҳмад, амир Наср ибн Аҳмад, унинг вазири Абул Фазл ал-Балъамий алоҳида ташаббускорлик кўрсатишган.

Шунингдек, Бухорода олимлар мажлиси кўпроқ тарқалган ва унинг аҳамияти юқори бўлган. Уламоларнинг бу мажлислари Қуръони карим тафсири, фикҳ, шариат ҳукмлари, ҳадиси шариф каби ҳар хил йўналишларда бўлган. Шунингдек, тарих, қозилар ҳукмлари [ас-Самарқандий, 1985. 42-б.], наҳв-сарф [аз-Заҳабий, 1984. 425-б.], адабиёт ва шеърят [ас-Саолабий, йили кўрсатилмаган. 101-б.], тасаввуф [аз-Заҳабий, 1992. 600-б.], табобат илмлари бўйича мажлислар ҳам ўтказилган.

Бундай мажлисларнинг баъзилари олим, фақиҳ, муҳаддислар ва уларнинг табақаларидан бўлган кишилар билан чекланган. Ривоят қилинадики, имом Розиддин Нишопурий Бухорода тўрт юз олий фақиҳ бўлган даврада ваъз айтган, ана шу дарсларга табиб ар-Розий ҳам келган [ал-Қазвиний, 1969. 377-б.].

Муаллифларининг эътироф этишларича, Қадимги Нахшаб – Қарши воҳасининг архаик ва ўрта асрлар даври тарихи ҳамда шу асосда яратилган ҳунармандчилиги ўтмишининг ўрганилиши учта катта босқичга бўлинади. Биринчи босқич сифатида белгиланган Туркистон генерал-губернаторлиги даврида тадқиқотларнинг мунтазам ўтказилмагани, муайян мақсад ва системанинг йўқлиги туфайли изланишлар самарали бўлмаган. Иккинчи босқич советлар даврида, муаллифларнинг ёзишича, Қарши ва Кеш воҳалари тарихи, хусусан ҳунармандчилигига оид нисбатан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган, илмий асарлар яратилган. “Лекин бу илмий ишларда асосий эътибор топилган кулолчилик буюмларини комплексларга ажратиш, уларни қўшни ҳудуддагилар билан солиштириш усули билан даврини аниқлашга қаратилди” (Исамиддинов, Яркулов, 2014, 7 с.).

Воҳа ўрганилишининг учинчи босқичи Ўзбекистон мустақиллиги даврида Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг юбилейлари муносабати билан ўтказилган комплекс тадқиқотлар ва уларнинг амалий натижалари илмий тўпламлар, монографиялар, альбомлар каби илмий ишлар билан боғлиқдир. Мазкур ишлар кўпроқ шаҳарсозлик маданияти, диний-мафкуравий масалаларга бағишланганлиги сабабли, муаллифларнинг ушбу монографияси улар таъкидлаганидек, “ўрта аср ҳунармандчилигини ҳар томонлама чуқур ўрганишга қаратилди” (Исамиддинов, Яркулов, 2014. 7 с.).

Умуман олганда, кириш қисмида баён қилинганидек, Қарши воҳасида мавзуга оид Туркистон генерал-губернаторлиги давридан ҳозирги кунга қадар ўтказилган илмий ишлар, архив ҳужжатларидан фойдаланган ва танқидий ўрганган ҳолда Нахшабнинг ўрта аср ҳунармандчилиги тарихини яратиш мақсад қилинган мухтасар баён қилинган.

“Нахшабнинг ўрта асрлар ҳунармандчилиги. Ривожланган шаҳар ва қишлоқларининг таснифи ҳамда стратиграфияси” номли I боб 9 та катта-кичик бўлимлардан иборат (10-45 б.). Мазкур бобнинг мазмун-моҳиятини очишда асосан Ерқўрғонда очилган V-VI асрларга оид темирчилар маҳалласи, V-VIII асрларга тааллуқли кулоллик маҳаллалари ҳўжалигига доир моддий-маданият намуналари таҳлилига асосий эътибор қаратилган. Шунга қарамадан, турли даврларда ўрганилган Қарши воҳасидаги мавжуд Култепа, Таллисортепа, Исабойтепа, Шуллиуктепа, Косонттепа ёдгорликларининг стратиграфияси ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига доир археологик манбалар илмий муаммо ечими учун жалб қилинган.

Монографиянинг “Ўрта асрлардаги кулолчилик, темирчилик ва шишасозлик маҳсулотларининг технологияси”, деб номланган II боби 7 та бўлимдан ташкил топган (46-74 б.). Ушбу бобда муаллифлар ҳунармандчилик маҳсулотлари, хусусан,



кулоллик идишлари, темирчилик ва шишасозлик маҳсулотларининг типологияси ва таснифи бўйича, кулоллар маҳалласи, ишлаб чиқариш ва ҳунармандларнинг кундалик ҳаётига оид ёзма манбалар ва археологик материаллардан келиб чиққан ҳолда ўз мулоҳазаларини баён қилишган. Муаллифлар томонидан билдирилган, V-VI асрларда Ерқўрғонда кулоллар маҳалласи майдонининг кенгайгани, устахоналар муайян бир-икки хил сопол идишларни ишлаб чиқаришга ихтисослаша боргани, кулоллар хонадонларининг турли даражадаги ижтимоий аҳволи, VII-VIII асрларда Нахшаб кулолларининг йирик патриархал ҳунармандлар оилаларини бирлаштириб фаолият кўрсатгани, ўрта асрлардаги марказлашган ишлаб чиқариш “цех”ларини эслатадиган гуруҳларни пайдо бўлгани ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир.

Монографиянинг сўнгги “Нахшаб тарихи ва маданиятининг тарихий манбалар ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотларида акс этиши” номли III боби 5 та бўлимдан иборат (75-102 б.).

Мазкур боб илк ўрта асрлардаги этник жараёнлар ва тарихий-маданий аҳвол, Жанубий Суғд мулкликлари, кулоллик, темирчилик, шишасозлик ҳунармандчилигининг тараққиёти ва унинг Суғд жамияти кундалик турмуш тарзида тутган ўрнини археологик артефактлар билан аниқлашга ва илмий жиҳатдан мухтасар ёритишга бағишланган.

Фикримизча, ушбу бобда, ўрганилаётган даврдаги миграция жараёнлари, уни, нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва маданий ҳаётга кўрсатган катта таъсири, этник ва иқтисодий қоришув, “турк-суғд симбиози” масалалари яхши ёритилган.

Китобнинг хулосасида (103-108 б.) Нахшаб ҳунармандчилиги бўйича амалга оширилган тадқиқотнинг асосий натижалари ҳақидаги маълумотлар атрофлича баён қилинган.

Бир сўз билан айтганда, М. Исамидиннов, А. Ярқуловнинг Нахшаб ҳунармандчилигига бағишланган, ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиққан ушбу китоби Ўзбекистон археологияси фанида, қолаверса халқимизнинг қадимий ҳунармандчилиги тарихини ўрганишда диққатга сазовор илмий воқелик бўлди. Чунки юртимизнинг кўплаб қадимий тарихий-маданий воҳаларида узоқ муддат мобайнида олиб борилган, ҳозирда ҳам давом эттирилаётган археологик қазув тадқиқотларнинг топилмалари, хусусан ҳунармандчилик маҳсулотларининг ўтмишдаги ишлаб чиқариш тарихига оид умумлашма тадқиқотлари ҳанузгача етарли даражада эмас.

Фикримизча, китоб баъзи эътирозли ўринлар ва камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан:

1. Китобнинг номи ҳақида. Маълумки, Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи камида Ерқўрғон шаҳри билан боғлаб ўрганилган тақдирда ҳам у мил. эр. авв. VIII асрдан бошланиб, археологик ашёларни қўлга киритиш имконияти мавжуд бўлган хонликлар замонининг муқаддимасигача 2200 йилдан кам бўлмаган катта даврни ўз ичига олади. Зеро, муаллифлар Нахшаб ҳунармандчилигига оид ушбу даврнинг тўртдан бир қисми, яъни V-IX асрлар (500 йил)га дахлдор ишлаб чиқариш тарихини ўрганмоқдалар. Ваҳоланки, китобнинг ҳозирги номи, (айниқса, муқовадагиси) Нахшаб ҳунармандчилиги тарихининг барча даврларига дохиллик қилувчи мазмунни бермоқда. Шунга қараганда, тадқиқот номи “Нахшаб ҳунармандчилиги тарихидан”, деб аталганда мақсадга мувофиқ бўларди.

2. Шу ўринда сарлавҳанинг қавс ичидаги “материаллари” сўзи ҳам тадқиқот мавзусига мос тушмаган, илмий муаммо моҳиятини очиб бера олмаган, зеро, китоб номининг рус тилидаги талқинида ушбу сўз умуман ишлатилмаган. Ҳозирги пайтда,

Ўзбек тилида “қурилиш материаллари” иборасини эркин ишлатиш мумкин ва унинг маъноси муайян қурилиш учун керак бўладиган хом-ашё ҳамда асбоб-ускуналарни билдиради. “Шишасозлик материаллари асосида” ибораси ҳам шиша идишлар намуналарини эмас, балки шиша буюм ишлаб чиқариш учун лозим бўладиган хом-ашёлар тушунчасини беради. Темирчилик, кулоллик материаллари иборасини ҳам худди шундай изоҳлаш мумкин. Зеро, ҳунармандлар “материал” эмас, маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Шунга кўра, “материаллари” ибораси “маҳсулотлари” билан алмаштирилганда эди, тадқиқотнинг мазмун моҳиятига янада аниқлик киритилган бўларди.

3. Сопол идишлар “унификация”, яъни улар кундалик ҳаётдаги қўлланилиши бўйича турларга ажратилиб ўрганилса, айнан қандай, қайси юмушларда фойдаланилгани ҳақида этнографик манбалар асосида тушунчалар берилса, бизнингча, тадқиқот янада мукамалликни касб этар эди.

4. Кулоллик буюмларининг баъзи турлари сунъий тарзда, сохта, ортикча сўзлар қўшган ҳолда аталган, хусусан “ўчоқдон”, “кўчириб олиб юриладиган исирикдон”, “болалар туваклари” (49-51 б.) ва ҳ.к. Ваҳоланки, она тилимизда “ўчоқдон” номи билан аталадиган сопол буюм, муқим, бир ерга ўрнатиб қўйиладиган исирикдонни йўқлиги, “тувак” эса катталар ва болалар тувагига ажратилмаслиги барчага аён.

Бу каби эътирозли ўринлар монографияда кам бўлсада мавжуд. Шунга қарамасдан, М. Исамиддинов ва А. Яркулов томонидан бажарилган Нахшаб ҳунармандчилигига оид мазкур тадқиқот ўз илмий қийматини йўқотмайди. Истагимиз, муаллифлар бу хилдаги келгуси тадқиқот ишларида, китобни тўлдирилган нусхасини қайта нашрга тайёрлашда мазкур фикрларни ҳисобга олишса, мақсадга мувофиқ бўлади. Китобга т.ф.д., профессор Р.Ҳ. Сулаймонов муҳаррирлик қилган.

**М.Ҳ. Пардаев**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Археология институти

**M.Kh. Pardaev**  
Institute of Archaeology  
Academy of Sciences  
Republic of Uzbekistan

## АХБОРОТ

### ХРОНИКА

### CHRONICLES

#### **“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА 2014 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ҲИСОБОТ СЕССИЯСИ” ҲУСУСИДА**

(Самарқанд, 19-20 март 2015 йил)

#### **"REPORTING SESSION ON ARCHAEOLOGICAL RESEARCH IN 2014 ON THE TERRITORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN"**

(Samarkand, 19-20 March 2015)

Республикамиз ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига бағишланган йиллик ҳисобот сессияси археологларнинг янги тадқиқотларлар натижалар, уларининг илмий таҳлили иборасида ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкони беради. Шу муносабат билан ЎзР ФА Археология институти раҳбарияти ва “Дала тадқиқотлари қўмитаси” ташкилотчилигида жорий йилнинг 19-20 март кунлари 2014 йил археологик дала мавсуми натижаларига бағишланган ҳисобот сессияси ўтказилди.

Йиллик ҳисобот сессиясининг ялпи мажлисини институт директори А.Э. Бердимуродов очди ва у ўз сўзида сессиянинг барча қатнашчиларини қутлаб, ўтган 2014 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва қўлга киритилган натижалар ҳусусида қисқача маълумотлар берди.

Икки кун давом этган ҳисобот сессиясининг биринчи кунда тош даврига оид Очилғор (Н. Холматов), Оёқоғитма ва Каттасой (М. Хўжаназаров) маконлари, антик ва ўрта асрларга мансуб Акшаханқалъа (А. Искандерова), Пулжой (Ш. Қдыр-ниязов), Каршаул (Г. Иванов), Эски Термиз, Талитоғоратепа (Т. Аннаев), Миздахқан (С. Саипов), Қўштепа-2 (Б. Абдуллаев), Кофирқалъа, (Г. Богомоллов) Мингтепа (Б. Матбобоев, Жу Янгши, М. Исамиддинов, Б. Абдуллаев, З. Раҳманов,) Афросиёб (С. Мустафақулов, М. Хасанов, М. Саидов) ёдгорликларида олиб борилган тадқиқотлар натижалари тингланди. Шу билан биргаликда Г. Богомоллов томонидан Тошкент вилоятида, Б. Сайфуллаев томонидан Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри ва унинг атрофи, А. Ражабов томонидан Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида тош даври археологик ёдгорликларини рўйхатга олиш борасида амалга оширилган ҳисоботлар ҳам тингланди.

Ҳисобот сессиясининг иккинчи кунда Қўйтепа Қалиятепа (М. Пардаев), Сандиклибобо (Б. Садуллаев), Тўтртқўлтепа (А. Раимкулов), Арабтепа (К. Раҳимов), Чўпонота тепалиги ва Қўшработ тумани Пангат қишлоғидаги ғишт пишириш хумдонлари (М. Саидов), Мингтепа (А. Атахўжаев), Қўрғонтепа (Х. Раҳмонов), Шохрухия (Д. Нормуродов), Пойкенд, Искичпай, Ромитан ва Кампирдевор (Ж.К. Мирзаахмедов) ёдгорликларида олиб борилган қазув ишлари ҳамда Жиззах шаҳри (М. Пардаев), Қашқадарё вилояти, Китоб тумани (А. Сандибоев) ва Ўзбек-Хитой халқаро археологик экспедицияси томонидан Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги дала қидирув ишлари (М.Х. Хасанов) натижаларига бағишланган

маърузалар тингланди. Ҳар бир ҳисобот тадқиқотчилар томонидан қизғин кутиб олинди, кенг муҳокама қилинди.

Анжуман сўнгида ЎЗР ФА Археология институти “Дала тадқиқотлари қўмитаси”нинг 2014 йидаги фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди. Ҳисоботга кўра, йил давомида республикаимиз ҳудудида археологик қазув, қидирув ва назорат ишларини амалга ошириш учун 50 га яқин “Рухсатнома” ва “Очиқ варақа” берилган бўлиб, шулардан 10 тасида дала қидириув, 2 тасида назорат ишлар ва қолганлари эса қазиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Маълум бўлишича, 2014 йили республикаимиз бюджети маблағи ҳисобидан 11 та археологик отряд экспедицияси қазиш ва дала қидирув ишларини олиб борган. Бунга Қашқадарё вилоятидаги Қўштепа, Самарқанд вилоятидаги Афросиёб, Мингтепа, Қофирқалъа, Жиззах вилоятидаги Қалиятепа, Наманган вилоятидаги Ахсикент, Андижон вилоятидаги Қўштепа-2 ёдгорликларида қазиш ҳамда Новой, Жиззах, Тошкент ва Сурхондарё вилоятидаги археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш борасида олиб борилган тадқиқотларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу билан бирга ҳомийларнинг амалий ёрдами ҳисобига Сирдарё вилояти, Ховос тумани ҳудудида жойлашган Ховос ёдгорлигида қазув ишлари ва хўжалик шартномаси асосида Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги археологик ёдгорликларини каталогини яратиш борасида ишлар олиб борилди. Бундан ташқари, жорий йил давомида маҳаллалар ва фуқаролар томонидан тушган аризаларга асосан Самарқанд вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси мутахассислари билан ҳамкорликда археологик ёдгорлик бузилишини олдини олиш ва уни атрофида қурилиш ишлари амалга ошириш ишларини тўхтатиш борасида ўндан зиёд ёдгорликлар ўрганилиб, илмий хулосалар берилган.

Айни ваътда Республикаимизнинг турли даврга оид ёдгорликларида 14 та халқаро қўшма экспедицияси археологик қазиш ва дала қидириув ишларини олиб бордилар. Жумладан, ХХР нинг Пекин Археология институти билан ҳамкорликда тузилган Ўзбекистон-Хитой экспедицияси Андижон вилоятидаги Мингтепа ёдгорлигида, ва Шимолий Ғарбий Университет билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбекистон-Хитой экспедицияси Самарқанд вилоятидаги мозоркўрғонларни рўйхатга олиш орасида тадқиқот ишларини амалга оширди. Ўзбекистон-Франция экспедициясининг учта гуруҳи эса Эски Термиз, Пойкент, Аяққакетма ёдгорликларида, Ўзбекистон-Америка экспедицияси Кампирдевор ёдгорлигида, Ўзбекистон-Япония экспедицияси Марказий Суғднинг Қофирқалъа ёдгорлигида, Ўзбекистон-Россия экспедициясини икки гуруҳи Қўлбулок ва Пойкенд ёдгорликларида, Ўзбекистон-Польша экспедицияси Каттасой ёдгорлигида, Ўзбекистон-Италия экспедицияси иккита гуруҳи Самарқанд вилоятидаги Кўйтепа ёдгорлигида қазишма ишларини олиб бориш ва Пастдарғом туманида археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш борасида археологик тадқиқотларни амалга оширдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, икки кун давом этган ҳисобот сессияси баҳс-мунозара, жонли мулоқот тарзида ўтди. Муҳокамада сўзга чиққан А.Э. Бердимуродов, Б.Х. Матбобоев, М. Хўжаназаров А. Аиша (Хитой), С. Аширов, Н.Ў. Холматов, М. Пардаев каби етакчи мутахассислар томонидан келгусида археологик тадқиқотларни такомиллаштириш, унинг сифатини янги замонавий технологиялар асосида янада яхшилаш, археологик ёдгорликларни сақлаш хусусида аниқ фикр-мулоҳазалар билдириб, сессиянинг ишини юқори баҳоладилар.

**К. Рахимов**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Археология институти

**K. Rahimov**

Institute of Archaeology Academy  
of Sciences Republic of Uzbekistan

## ЮБИЛЯРИМИЗ

НАШ ЮБИЛЯР

OUR JUBILAR



**НЕЪМАТ ХОЛМУРОДОВИЧ  
ТОШКЕНБОВ 80 ЁШГА**

**ON THE 80<sup>TH</sup> ANNIVERSARY OF  
NEMAT HOLMURODOVICH  
TASHKENBAEV**

**Кўхна замин билан  
тиллашган олим**

Дунёда касблар кўп. Шуларнинг орасида археология ўзининг ғаройиблиги билан ажралиб туради. Мухими, бу касб эгаси она заминимиз қаърида қадимдан сақланиб келган цивилизация манбаларини ер қазиш йўли билан излайди ва янги ёндашув асосида таҳлиллар қилиб, тилга киритади. Хуллас, тарихимизни тиклайди. Шунинг учун ҳам она заминимизни ўтмишимизнинг тарихий манбаларини ўз бағрида сақлаб келган «архив» десак, муболаға бўлмайди. Археолог эса бундай «архив»ни қазиш йўли билан варақлаб ўқиб, муайян давр

тарихини тиклайди. Шунинг учун ҳам, бу касб анча меҳнатталаб соҳадир. Бинобарин, археологнинг фаолияти дала илмий экспедиция тадқиқотларисиз ютуқларга эришиши қийин кечади. Шундай шарафли касб эгаларидан бири, заҳматкаш олим, тарих фанлари номзоди, доцент Неъмат Холмуродович Тошкенбоев 80 ёшга тўлди.

Ўзбекистон археологияси фани равнакига муносиб ҳисса қўшган таниқли олим Неъмат Тошкенбоевнинг бутун ҳаёт йўли ва илмий тадқиқот ишлари Марказий Осиё ҳудуди ибтидоий жамоалари моддий маданиятининг долзарб муаммоларини ўрганиш билан узвий боғлиқдир.

Табарррук 80 йиллик муборак ёшини нишонлаётган Неъмат Тошкенбоев 1935 йил Самарқанд шаҳрида, оддий хизматчи оиласида дунёга келди. 1958-йили Самарқанд давлат университети тарих факультетини имтиёзли диплом билан битириб, шу йилнинг ўзидаёқ вилоят раҳбарияти таклифига биноан Самарқанд вилояти ёшлар кўмитасига бўлим бошлиғи лавозимига ишга қабул қилинди. Талабалик йилларидаёқ илмий тадқиқот ишларига бўлган иқтидорини сезган устозлари уни илм йўлига етаклади ва Неъмат Тошкенбоев 1963-йили СамДУ тарих факультети

умумий тарих кафедраси аспирантурасига кирди. Илмий раҳбарликка шу кафедранинг мудир, таниқли археолог олим Д.Н. Лев тайинланди. Д.Н. Лев ўз шоғирдини археология фани сирларини янада чуқурроқ ўрганиши учун аспирантура таълимини ўша давр мазкур соҳа етакчи илмий марказларидан бири ҳисобланувчи Москва давлат университети базасида ўтказишга юборди ва ёш тадқиқотчи бу илмий даргоҳда таниқли археолог ва антрополог, профессор М.М. Герасимов раҳбарлигида аспирантура таълимини давом эттирди. Ёш олимнинг илмий тадқиқоти Зарафшон воҳаси қадимги тош даври жамоалари моддий маданиятини атрофлича ўрганишга бағишланган. Неъмат Тошкенбоев аспирантура таълими жараёнида археология фанининг етакчи мутахассислари бўлган М.М. Герасимов, А.П. Окладников, П.И. Борисковский, С.А. Семенов, А.В. Виноградов, Я.Ғ. Ғуломов каби олимлар билан мулоқотда бўлди, улардан сабоқ олди, маърузалар тинглади, йирик илмий экспедициялар иштирокчиси бўлиб, илмий ва амалий билимини ошира борди. Бу эса, шубҳасиз, уни археология фани сирларини чуқур ўрганишда, Ўзбекистон тош даври жамоалари моддий маданиятининг муаммоларини ечишда, аниқроғи, археолог-олим сифатида шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Аспирантура муддати тугагач, ёш олим Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд археология бўлими бошлиғи бўлиб фаолият юритди ва ўз археологик тадқиқот ишларини давом эттирди. Шунингдек, археология институти ва Афросиёбда «шаҳар тарихи музейи» бинолари қурилиши ишларига фаол қатнашди. Академик Я.Ғ. Ғуломов билан ҳамкорликда Афросиёб шаҳарчасида археологик қазилма ишларни амалга оширди. 1970-1978 - йиллар мобайнида Самарқанд тарихи (Афросиёб) музейи директори лавозимида фаолият кўрсатди ва шу муддатда мунтазам равишда Зарафшон воҳаси миқёсида археология институти палеолит гуруҳининг раҳбари сифатида дала экспедицияларида қатнашиб, қатор палеолит даври янги маконларини кашф қилиб, фанга янги илмий хулосалар киритишга эришди. Шундай маконлар – ёдгорликлар жумласига Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Гўрдара (ўрта палеолит, яъни бундан бурунги 80-40 минг йилликлар), Сиёбча, Хўжамазгил (сўнгги палеолит, яъни бундан аввалги 40-12 минг йилликлар) каби маконлар кириб, бу маконлардан бой моддий маданият манбалари қўлга киритилди. Бу манбаларнинг илмий хусусиятлари ҳозирги кунда ҳам фанда ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Олим кенг доирада қидирув изланишлари олиб бориб, Самарқанд шаҳрининг кўпгина жойларидан палеолит даври жамоаларининг изларини топиб, фанга янгиликлар киритди. Ана шу илмий тадқиқотлар натижаси сифатида Неъмат Тошкенбоев «Зарафшон воҳаси палеолити» мавзусида номзодлик диссертациясини 1977-йили МГУ қошидаги ихтисослашган Илмий кенгашда муваффақиятли равишда ҳимоя қилди. Мазкур илмий тадқиқот таниқли олимлар П.И. Борисковский, А.В. Виноградовлар томонидан юксак баҳоланди. Неъмат Тошкенбоев 1978-1986 - йиллари эса ЎзР ФА археология институтининг катта илмий ходими сифатида фаолият кўрсатди.

Зарафшон воҳаси палеолит жамоалари моддий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, маконлар тош индустриясининг ясаиш маданиятининг юксаклиги, бу воҳа маконларида ишлаб чиқилган меҳнат қуроллари технологиясининг юксаклиги, намунавийлиги, бу ёдгорликлар янги хронологиясининг ишлаб чиқилиши, қўшни минтақалар билан жамоалараро қизғин маданий алоқаларнинг олиб борилганлиги, бу ерда юзага келган моддий маданиятнинг келиб чиқиш илдизлари ва бу илдизлар ўзга юртлардан кириб келган эмас, балки маҳаллий маданиятлар негизида шакллани



ганлиги каби ибтидоий маданиятнинг долзарб муаммолари ечимининг топилиш масаласи ҳам бевосита Неймат Тошкенбоев тадқиқотлари натижаси билан боғлиқдир.

Хусусан, Неймат Тошкенбоев Зарафшон воҳаси қадимги тош даври жамоалари моддий маданиятини атрофлича ўрганиб, Қўтирбулок, Зирабулок маконлари моддий маданиятлари асосида мазкур минтақанинг мустақил, маҳаллий, туб илдизга эга бўлган маданиятини исботлаб, фанга киритди. Неймат Тошкенбоев тадқиқотининг муҳим хулосаларидан яна бири бу – Зарафшон ўрта палеолити жамоалари маданиятининг кўп жиҳатлари, яъни тош индустрияси моҳияти, тош қуроллари шакли, ишлов берилиш услублари ва уларни турмушда бажарган функциялари билан Тошкент ва Сурхон воҳалари жамоалари маданиятига яқинлиги қузатилар экан, улар орасида жуда қадимдан қизгин қўшничилик маданият алоқалари ўрнатилганлиги исботлаб берилди.

Ибтидоий жамоаларнинг ўзаро қўни-қўшничилик маданий алоқадорликлари масаласи ибтидоий маданиятнинг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Демак, шу соҳага ҳам Неймат Тошкенбоев муносиб ҳиссасини қўша олган тадқиқотчидир. Хуллас, Неймат Тошкенбоев Марказий Осиё фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган заҳматкаш олимдир. Унинг кўп йиллик кенг қамровли археологик тадқиқот ишлари натижаси маҳсули сифатида 3 та монографияси «Фан» нашриётидан чиққан, яна 1 та китоби Польша археологлари билан ҳамкорликда Варшавада нашр қилинди. Неймат Тошкенбоев жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ўтказилган халқаро анжуманларда бир неча бор тош даври археологиясига бағишланган муаммоли маърузалари билан қатнашган. Ўз тадқиқотларида тўпланган археологик манбалар асосида турли кўргазмалар ташкил этди ва бу манбалар аҳамиятини айти кунларда олий масканлар таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларига муваффақиятли тадбиқ этмоқда.

Неймат Тошкенбоев ўз илмий фаолияти жараёнида 100 дан ортиқ илмий, 100 дан зиёд илмий-оммабоп мақолалар нашр этишга эришди. Бир неча ўқув-услубий тавсиялар, қўлланмалар яратди. Домланинг ҳаёт йўли илмий археологик тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқлиги, ҳақиқат. Бу умрининг яна бир қирраси шарафли педагогик фаолият билан ҳам белгиланади. Неймат Тошкенбоев мамлакатимизнинг етакчи илм ва маънавий-маърифий марказларидан ҳисобланувчи Самарқанд давлат университети тарих факультети «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида 1986 йили дастлаб ўқитувчи, сўнгра 1993 йилдан бошлаб кафедранинг доценти ва 1995-1998 йилларда «Ватан тарихи» кафедраси мудири, кейинчалик «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти лавозимларида фаолият кўрсатди ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда сидқидилдан муносиб ҳиссасини қўшди. Кафедра магистратура таълимини йўлга қўйди. Махсус курслар бўйича маъруза матнлари, ўқув-услубий қўлланмалар яратди. Ўз педагогик фаолияти даврида ўнлаб шогирдларнинг меҳрибон мураббийси бўлди. Кафедрада ёш фан номзодлари, докторлари етиштиб чиқди, бу муваффақиятлар негизида Неймат Тошкенбоевнинг ҳалол ва камтарона меҳнати ётади.

Неймат Тошкенбоев илмий ва педагогик ишларини амалга оширишда бор ижодий ташклотчилик салоҳиятини яққол намоён этди ва ҳақли равишда мазкур ишларни бажаришда сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилган фидойи инсонлардан бирига айланди. Неймат Тошкенбоев факультет, университет, шаҳар ва вилоят миқёсида жамоат ишларини фаол қатнашчиси ҳисобланади ва бу меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Неймат Тошкенбоев завжаси билан эл-юрт кори-

га ярайдиган муносиб фарзандларни тарбиялаб етиштирди. Улар орасида фан намоёндалари, жамоат арбоблари бор.

Устоз, етук олим Неъмат Тошкенбоевни табаррук 80 ёши билан қизгин табриклаб, у кишига сихат-саломатлик, узоқ умр тилаган ҳолда, Ўзбекистон археология фани равнақига янада самарали ҳисса қўшишни чин дилдан истаб қоламиз.

**Темур Ширинов**

*Ўзбекистон Республикаси  
фан арбоби, профессор*

**Мавлон Жўрақулов**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси, профессор*

**Редакция журнала  
«Археология Узбекистана»**

**Temur Shirinov**

*Professor, Honored Worker of Science  
of the Republic of Uzbekistan*

**Mavlon Jurakulov**

*Honored Mentor of Youth  
of Republic of Uzbekistan, professor*

**Editorial board of  
"Archaeology of Uzbekistan"**

## ХОТИРА

### ПАМЯТИ УЧЕНОГО

### IN MEMORIAM OF A RESEARCHER



**ВАДИМ НИКОЛАЕВИЧ  
ЯГОДИН**  
(1932-2015)

**VADIM NIKOLAEVICH  
YAGODIN**  
(1932-2015)

Историческая наука Узбекистана понесла тяжелую утрату. В мае 2015 г. на 84 году жизни скоропостижно скончался видный археолог, д.и.н., профессор Вадим Николаевич Ягодин. Известный ученый до последнего дня своей жизни неизменно работал в Отделе археологии научно-исследовательского института гуманитарных наук Каракалпакского Отделения АН РУз. Имя В.Н. Ягодина хорошо известно в научном мире не только в нашей стране, но и дальнем и ближнем зарубежье. Он был не только крупным исследователем, но и наставником, организатором археологической науки в Южно-Приаральском регионе. Благодаря его

усилиям был создан сначала сектор, впоследствии крупный отдел по археологии. Больше 20 лет (1969-1992) он являлся неизменным заведующим отдела археологии, затем директором Института истории, археологии и этнографии ККО АН РУз (ИИАЭ ККО АН РУз). В годы его руководства, по инициативе и при деятельном участии В.Н. Ягодина складывались важнейшие направления научной деятельности Отдела археологии, затем ИИАЭ.

Окончив в 1955 г. Ивановский университет и проявляя живой интерес к археологии Средней Азии, в том числе памятникам древнего Хорезма, он активно включается к экспедиционным работам выдающегося исследователя, руководителя ХАЭЭ С.П. Толстова. В 1955-1957 гг., работая в Историко-краеведческом музее Каракалпакстана, он участвует в археологических исследованиях памятников неолита, энеолита и бронзового века в Южном Каракалпакстане. В частности, при его участии открыты и изучены стоянки каменного, бронзового века в Акча-Дарьиньской дель-

те (Ангка-5, Кават-3), памятник античности Кангакала и крепость Каваткала хорезмшахской эпохи.

Впоследствии интересы В.Н. Ягодина расширяются и вместе с А.В. Гудковой, одной из талантливых исследователей Хорезмской экспедиции, они приступают к изучению раннесредневековых памятников дельты Амударьи, плодотворно разрабатывают проблемные вопросы городской культуры на ранних этапах средневековья, а также системное изучение топографии, хронологии и периодизации средневековых памятников левобережной и правобережной частей Амударьи. В частности, их совместная работа в 1958-1960 гг. была целиком посвящена изучению городских поселений культурной зоны дельты Великой реки - Джейхуна, таких как Мончаклы, Кетенлер, Бограхан, Пульжай, Багдад кала, Курганча и др. Некоторые из них локализованы с урбанонимами, упоминаемыми в средневековых источниках. Результаты этих исследований впоследствии послужили основой кандидатской диссертации В.Н. Ягодина «Археологические памятники Приаральской дельты Амударьи», которая была защищена под руководством С.П. Толстова в 1963 г. в Москве. В диссертации и статьях Вадим Николаевич, тщательно обобщил все доступные материалы из средневековых памятников дельты Амударьи. В ходе этих работ он впервые выделил новую археологическую культуру, впоследствии названную Кердерской. Систематическое изучение путем многолетних раскопок городищ Токкала, Курганча, Хайванкала (Кердер), Куюккала реализуются в работах «Хайван-кала – раннесредневековый Кердер», «Кердерское поселение Куюк-кала» и «Культура и антропология Кердера».

Значительный вклад внес В.Н. Ягодин в историю изучения религии, погребального обряда и палеодемографии древнего населения Южного Приаралья. В этом направлении им была опубликована серия статей, успешно завершённой монографией «Некрополь древнего Миздахкана» (Ташкент, 1970). Особое значение приобрели в ней разделы, посвященные изучению оссуариев Миздахкана, на внешних стенках которых выявлены моно- и полихромные росписи, древние надписи.

Диапазон научных интересов ученого охватил и кочевническую тематику Евразии. Начиная с 1970 г., исследованиями отдела археологии ККО АН РУз под руководством В.Н. Ягодина, разрабатывается комплексная программа археологического изучения пустынь Арало-Каспия, продолжавшаяся 20 лет. В процессе этих работ сделаны важные открытия: впервые выделен палеолит Устюрта, роль ранних и поздних кочевников в этнической истории народов Южного Приаралья, взаимоотношения кочевников с оседло-земледельческой цивилизацией, роль охоты в кочевом и оседлом хозяйстве. В числе этих открытий были ранее неизвестные курганы скифо-сарматского круга, курганы огузов, а также культовые центры в северной части плато, такие как Дуана, Сумбетимералан куркреук и зимовья кочевников в средней части Устюрта. Кочевническая древность Приаралья получила достойное изучение благодаря исследованиям В.Н. Ягодина на плато Устюрт, выделивший особый хронологический огузо-кипчакский период (XIII-XIV вв.). Им выявлены как археологический феномен стреловидные планировки северного, среднего и южного Устюрта, получившие свое подтверждение на Аравийском полуострове. Полученные результаты исследований ученым позволили выявить специфику процессов седентеризации и урбанизации в зоне стыка оседло-земледельческих и скотоводческих культур, внести некоторые коррективы в осмысление проблемы номадизма («Памятники кочевых племен древности и средневековья». Ташкент, 1978;

«Стреловидные планировки Устюрта», 1991). В 1992 г. по совокупности этих работ, на основе научного доклада в МГУ им. М.В. Ломоносова ему был присвоена ученая степень, доктора исторических наук.

В 90-х годах по инициативе В.Н.Ягодина, совместно с М.М. Мамбетуллаевым и Г.Х. Хожаниязовым, проводятся исследовательские работы по определению возраста города Хивы в 2500 лет (октябрь 1997 г.). Наряду с этим, проводится большая программа по археолого-топографическому изучению Хорезмской области, составляется «Свод памятников истории и культуры Каракалпакстана», вып. 1, 1985; вып.2, 1986).

Вместе с тем, ученый активно участвовал в научной деятельности археологов бывшего союза страны. С 1975 по 1977 годы В.Н. Ягодин принимает участие в работах Международной советско-афганской археологической экспедиции, занимаясь вопросами, связанными с историей древнейших цивилизаций Центральной Азии и публикует ряд научных работ, связанных с этой проблематикой. Он также принимал участие в археологических изысканиях Сиднейского университета, Британского института в Аммане (Хашимитское Королевство Иордания) на Ближнем Востоке. Результаты его совместных работ с зарубежными коллегами освещены в научных изданиях Западной Европы, Америки, России и Австралии. Среди этих совместных работ необходимо отметить деятельность Каракалпакско-Австралийской археологической экспедиции, работающей с 1995 г. в столичном районе древнехорезмийских царей (Ташкырман и Ахшакан кала).

Как ученый, он совмещал научную работу с преподавательской деятельностью. Долгие годы он читал студентам и магистрам кафедры археологии КГУ им. Бердаха лекции по спецкурсам «Кочевники Евразии» и по проблемным вопросам археологии Древнего Хорезма. По этой же тематике читал курс лекций в Сиднейском университете. Руководил выпускными работами студентов и диссертаций магистров. Будучи строгим наставником молодых ученых Каракалпакстана, смело направлял их в научное русло. За научно-преподавательскую деятельность ВАК Республики Узбекистан присвоил ему звание профессора.

В.Н. Ягодин на протяжении многих лет являлся членом Президиума Каракалпакского отделения Академии наук РУз, членом Совета директоров АН РУз, членом редколлегии журнала «Вестник Каракалпакского отделения АН РУз», заместителем председателя Спецсовета по защите кандидатских диссертаций при ИИАЭ ККО АН, членом Спецсовета по защите докторских диссертаций в Институте археологии АН РУз, Председателем Ученого совета ИИАЭ. В.Н. Ягодин входил в авторский коллектив и был ответственным редактором периодического издания «Археология Приаралья» (вып. I-VIII), «История Каракалпакстана» (1989) и первого тома «История государственности Узбекистана», том I, 2009) и др. обобщающих трудов. Он также был рецензентом многочисленных статей, книг, оппонентом докторских и кандидатских диссертаций, разработчиком научных грантов. Перу ученого принадлежит более 200 научных работ.

Занимая активную гражданскую позицию, он участвовал в работе неправительственных организаций: Союз защиты Арала и Амударьи, Коунтерпарт Консорциум.

Многолетний научный труд В.Н. Ягодина получил заслуженное признание. За достойный вклад в развитие исторической науки, за плодотворную и организаторскую деятельность, ему присвоены звания заслуженного работника культуры Рес-

публики Каракалпакстан, заслуженного деятеля науки Республики Каракалпакстан, награжден орденом «Мехнат шухрати» Республики Узбекистан, являлся членом Русского археологического общества, членом Нью-Йоркской Академии наук. Участвовал в работе ряда международных фондов и организаций, являлся международным экспертом Австралийского научного совета (ARC), поддерживающего международные исследовательские проекты.

Все, кто знал Вадима Николаевича Ягодина, навсегда запомнят его добродушный характер, сохраняют память о нем как о скромном человеке, известном ученом Узбекистана, замечательном организаторе археологической науки в Приаральском регионе.

**Г.Х. Хожаниязов**

Герой Узбекистана

**М.-Ш. Кдырниязов**

Д.и.н., Каракалпакский

Государственный университет

**А.Д. Искандерова**

Старший научный сотрудник-  
исследователь Института археологии  
АН РУз

**G.H. Hozhaniyazov**

Hero of Uzbekistan

**M.-Sh. Kdyrniyazov**

Dr. of Karakalpak State University

**A.D. Iskanderova**

Senior Scientist - investigator  
of Institute of Archaeology  
of Academy of Sciences  
of Republic of Uzbekistan





**ЮРИЙ ФЕДОРОВИЧ  
БУРЯКОВ**  
(1932-2015)

**YURIY FEDOROVICH  
BURYAKOV**  
(1932-2015)

**ВЫДАЮЩИЙСЯ УЧЕНЫЙ  
И ЗАМЕЧАТЕЛЬНЫЙ ЧЕЛОВЕК**

Ушел из жизни выдающийся ученый и замечательный человек - Юрий Федорович Буряков. Вся его долгая жизнь была посвящена одной задаче и искренне любимому делу - археологии. Об этом человеке уже при жизни ходили легенды. Казалось, что он не просто мечтал, а был рожден для своей будущей профессии. И весь его облик соответствовал этому призванию. О нем, более чем о ком-либо можно было сказать, что он

был создан для археологии. Высокий, но стремительный в своей походке, в поле, на разведки и раскопки он выезжал всегда, когда случалась возможность. А возможности случались всегда, ежегодно, вплоть до последних шагов, которые он совершил, как обычно легко и в то же время, по-восточному, основательно.

Кабинетной его жизнью тоже было поле. Карандаш и блокнот – неотъемлемые атрибуты его повседневной жизни. Идеи, возникшие в поле, довершались в тиши кабинета. Легко, всеобъемлюще, доказательно. Любимым им археологическим памятником была Канка, которая, как и расположенное рядом городище Шахрухия, до краев наполняли его археологическую жизнь. Казалось, мудрость веков удачно сочеталась в нем с мудростью, достигнутой годами плодотворной научной жизни.

В студенческие годы на кафедре археологии Ташкентского государственного университета Юрий Федорович постиг азы полевой археологической практики, принимал деятельное участие в работе археологического кружка (СНАКа), готовил научные доклады, работал над своими первыми публикациями. Постепенно формировался круг его научных интересов: проблемы истории горного дела и металлургии, исторической топографии городов и урбанизации, а впоследствии вопросы ста-

новления и развития Великого шелкового пути, которые стали делом всей его жизни.

Другой аспект его деятельности связан с выявлением и сохранением археологических памятников, работой на новостройках, в зонах освоения земель и строительства водохранилищ. Эта работа начиналась в Институте истории и археологии под непосредственным руководством академика Я.Г. Гулямова и с 1970 года в Институте археологии АН Узбекистана. Ранее проводилась большая музееведческая работа ведущим учреждением данного профиля - Музеем истории народов Узбекистана, отраженная в многочисленных публикациях и брошюрах учебного и методического характера. Следует отметить, что плодотворная связь с Музеем и кропотливая работа по комплектованию его археологического фонда, консультации по комплектованию специализированных выставок продолжалась всегда вплоть до последнего дня.

Важным штрихом биографии Юрия Федоровича Бурякова является то, что он стоял у истоков создания и становления Института археологии. Одним из первых, оставив столичный Ташкент, в 1970 году переехал жить в Самарканд, первоначально в качестве первого Ученого секретаря нового института, а впоследствии – заместителем директора по научной части, взяв на себя ответственный груз задач и проблем построения и развития археологии Узбекистана.

Широко известен его вклад и в изучение Самаркандского Согда. Он являлся одним из исследователей знаменитой пятничной мечети древнего Самарканда (Афрасиаба) и всемирно известной находки «самаркандских» шахмат. Это один из ярких, но чрезвычайно весомых эпизодов его насыщенной научной жизни, когда по находкам отдельных фигур шахматного комплекта эпохи средневековья была воссоздана не только история распространения этой игры на Среднем и Ближнем Востоке, но и были подняты философско-этические представления, способствовавшие распространению этой игры.

Другая сторона активной гражданской и научной позиции Ю.Ф. Бурякова – непрестанная деятельность в сфере охраны памятников археологии – руководимый им Самаркандский отряд ввел в науку десятки памятников, начиная с эпохи палеолита и кончая поздним средневековьем.

Юрий Федорович Буряков много сил и знаний отдавал развитию и организации науки в Узбекистане. Будучи искренним патриотом, все свои знания и силы он отдавал на поприще пропаганды высокого исторического наследия нашей Родины. Не случайно, что именно он был одним из инициаторов создания Международного института центрально-азиатских исследований (МИЦАИ) в Самарканде.

Активная жизненная и гражданская позиция Ю.Ф. Бурякова отразилась и в его непрестанной педагогической работе. В течении ряда лет он преподавал спецкурсы на кафедре археологии Самаркандского государственного университета им. А. Навои, а затем и в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека. В результате, многие из ныне сложившихся специалистов в области истории Узбекистана, археологии, истории искусств с гордостью и любовью вспоминают имя своего наставника, лекции которого были по праву одними из интереснейших и любимых студентами. Ю.Ф.Буряков как никто другой мог преподнести аудитории свой предмет так, что слушатель оказывался втянутым в ауру эпохи, перипетии её истории и начинал воспринимать свою родную историю как неотъемлемую часть своего существования.

Его монографии: "Горное дело и металлургия средневекового Илака V - начала XIII вв.", "Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака)", "Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса", «Мавераннахр на Великом шелковом пути», и многие другие внесли достойный вклад в сокровищницу гуманитарных наук Узбекистана. Свои знания и огромный опыт по изучению древней и средневековой урбанизации, он плодотворно использовал при определении возраста крупнейших городских центров Узбекистана.

В научном мире Ю.Ф. Буряков известен как специалист по древнему горному делу, изучение которого было одним из основных направлений деятельности ученого. Он проводил обследование рудников в Кураминских, Чаткальских, Нуратинских и Зирабулак-Зиаэтдинских. Под руководством Ю.Ф. Бурякова и немецких коллег в 1997-1999 гг. Узбекско-Немецкой археологической экспедицией проведены широкие археологические комплексные обследования древних оловянных рудников в Зирабулак-Зиаэтдинских горах в Центральном Узбекистане. Они дали ценный материал, позволивший осветить разные аспекты истории горнорудного промысла древнейшего периода (техника горных работ, каменные орудия для добычи и обработки руды, быт и этнокультурная принадлежность горняков-металлургов), которые ранее оставались слабо разработанными. В результате установлено, что во II тыс. до н.э. и позже здесь функционировал крупный центр по добыче олова. Этот металл, использовавшийся в то время для получения оловянных бронз, из зирабулак-зиаэтдинского центра поступал в металлургические и металлообрабатывающие очаги, функционировавшие на территории Узбекистана, Таджикистана, Южной Туркмении, и, по-видимому, Казахстана и Ирана.

Однако основным районом изысканий в этом направлении для Ю.Ф. Бурякова были горные массивы Кураминского хребта в Ташкентском оазисе, составлявшие Илакскую горнорудную область, богатую золотом, серебром, свинцом, цинком, медью и самоцветами. В эпоху средневековья, как сообщают письменные источники, там велась добыча благородных и цветных металлов. Сотни и тысячи древних выработок в виде карьеров, шахт, штолен и ряд плавильных пунктов отмечены геологами в рудниках Кураминских гор. Многие из них исследованы Ю.Ф. Буряковым. Им же были обнаружены новые памятники горного промысла и металлургии. Они дали ценный материал, который позволил исследователю описать технику проходки в рудниках, производственный инструментарий и быт горняков-металлургов, определить объекты и объемы добычи металлов, уровень техники и технологии этой отрасли древнего производства, экономическую роль местных горнорудных и металлургических центров в истории Узбекистана и соседних областей. Результаты, проведенных Ю.Ф. Буряковым, обследований памятников горного дела и металлургии нашли отражение во многих его публикациях, хорошо известных в нашей республике, в ближнем и дальнем зарубежье. Сделанные ученым выводы по проблеме горного дела и металлургии представляют большую ценность для понимания политических, экономических и культурных процессов, приведших к сложению торговли и рыночных отношений, сыгравших важную роль в урбанизации, в становлении и развитии городов Ташкентского оазиса.

Несмотря на большую занятость, Ю.Ф. Буряков также большое внимание уделял подготовке молодых кадров. Организация археологических кружков в школах Ташкента, Самарканда и других населенных пунктов Узбекистана, создание Малой

Академии наук, участие юных археологов в раскопках памятников, подготовка молодыми специалистами докладов о найденных находках и, наконец, их выступление на конференциях молодых ученых, все эти мероприятия проводились по инициативе и руководством Ю.Ф. Бурякова. На протяжении всей своей научной деятельности Ю.Ф. Буряков вместе со своими коллегами по Институту археологии активно участвовал в важной и полезной работе по подготовке молодых специалистов-историков, имеющей большое значение для воспитания молодого поколения. В Самаркандском государственном университете имени А. Навои и Национальном университете Узбекистана имени М. Улугбека он читал лекции и вел спецкурсы. Под руководством Ю.Ф. Бурякова защитил кандидатские диссертации ряд сотрудников Института археологии и других научных учреждений Академии наук Республики Узбекистан.

В последние годы Ю.Ф. Буряков трудился главным научным сотрудником Института истории Академии наук Узбекистана, был профессором кафедры археологии и этнологии Национального университета Узбекистана. Несмотря на чрезвычайную занятость и солидный возраст, он никогда не терял «форму», организуя и возглавляя экспедиции по изучению урбанизационных процессов в Ташкентском оазисе, непосредственно принимая участие в полевых археологических исследованиях.

Академик АН РУз, профессор, доктор исторических наук, Юрий Федорович Буряков безвременно ушел из жизни 27 июня 2015 г., на 82 году жизни, в стремительном научном и подвижническом движении, которое смогло остановить только неутомимое время. В памяти многочисленных коллег и учеников он останется ярким примером любви к избранному делу жизни, к своей профессии и верности гражданскому долгу ученого и человека.

**А.Э. Бердимуродов,**

**А.А. Грицина,**

**В.Д. Рузанов**

**Редакция журнала**

**«Археология Узбекистана» и  
коллектив Института археологии**

**Академии наук**

**Республики Узбекистан**

**A.E. Berdimuradov**

**A.A. Gricina**

**V.D. Ruzanov**

**Editorial board of**

**"Archaeology of Uzbekistan"  
staff of the Institute of Archaeology**

**Academy of Sciences**

**the Republic of Uzbekistan**